


ИСХОК ҮКТАМОВ

# ДИЛ НИДОСИ

*Достонлар ва түртликлар*

БОНДОЛЬНЫЙ ЭКЗАМЕНЬ

Ташкент  
«Езувчи» нашриёти



Исҳоқ Ўқтамов ўқувчиларга адаб, журналист, муҳаррир сиғатида яхши таниш. Муаллифнинг бу галги китоби эса наазмий асарлардан тарқиб топди — унинг сўнгги йилларда ёзган достомлари ва тўртликлари ушбу китобга жо бўлди. Исҳоқ Ўқтамовнинг асарларига хос бўлган етакчи хусусият шуки — улар ҳам масни ҳайтий воқеаларга асосланган. Масалан, муаллиф «Жон-жон Узбегим» асарида уруш хотираларини, Украивага сургуни бўлиб кетгани ўзбекларни ёдга олса, «Гуарина» достонида олис Қуба оролиди хизмат қилиб, обрў ортирган ватниндошимиз ҳақидаги гаройий воқеани шеърга солади. Исҳоқ Ўқтамов тўртликларини кекса қалбдан қайнаб чиқсан ҳикматлар хазниаси дейиш мумкин. Колинг, яхшиси, бир чеккадан ўзиб чиқшиг-чи, шонир кайнити Сиз ўқувчиларга ҳам «юқса», ажаб эмас.

у 4702620202—8  
М 362/04—99 — — цатъий буюртма, 1999 й.

ISBN 5—8255—0579—2

© Исҳоқ Ўқтамов.  
«Ёзуви» нашриёти. 1999 й.

# ЖОН-ЖОН ЎЗБЕГИМ

*Достон*

## МУХТАРАМ КИТОБХОНЛАРГА!

Барчага аёнким, 1930-йиллари минг-минглаб ўзбек оиласари поҳақ «қулоқ» қилиниб, Украина томонларга бадарға этилган эди. Қутимаганда содир бўлган бу хил шафқатсиз сургуи кўп-лар ҳатори исси ҳам ўшандага қаттиқ рапжитганда. Шундан сўнг аинча вақт, узоқ йиллар мобайнида бадарға қилинган ўзбеклар тақдирни билов қишиқиб, уларнинг аянчи ҳаётларини ўрганди. 1984 йил июль ойидага Украина га ижодий командировкага бориб, қулоқ қилинганинг тақдирни, фаолиятларни билан янада му-фассалроқ танишдид.

Ўзбек халқига Оллоҳ таоло инъом этган файзу барака, ах-лоқ-одоб, маънавий-маърифий юксаклик — мутафаккир авлод-аж-додларимиздан бисаларга қолган ўлмас мерос эканлигига ўшандага яна биррар карра пирор бўлиб қайтганман. Пок виятли ўзбек миллати қаерда, қачон, қайдай шароитда яшашидан қатъий назар, ўзишиб олий ҳимматлилиги, оқибатлилиги, меҳрибонлиги, меҳнатсанарлиги, фидойилити билан ҳам ўзга юртлару златларнинг бекиёс миннагдорлигига сазовор бўлганинг шоҳиди бўлдим.

Бадарға қилинган ўзбеклар бегона юртларда ҳечам бегона-сирамай, Украина халқлари билан аҳил, дўст бўлиб кетганингига гувоҳ — мен ўзим! Улар ҳалол меҳнатлари билан доинг таратиб, «Ўзбек пахтакорлари» деган номга сазовор бўлашган. Улар иккичи жаҳон урушида ҳам немис-фашист босқинчиларига қарши курашиб, ҳудди қидик қовлари тўклигига Ўзбекистон диёризни ҳимоя қилгандос. Украинани ҳимоя қилсан, жангларда қаҳрамонлик қўрсатган. Жонларини қурбон қилинлар. Украинанинг кўп жойларида шаҳид кетгав ўзбекистонликларга ёдгорликлар ҳам қўйилган. Бунга ҳам гувоҳ — мен ўзим! Мава шундай жавоварлигини ифода этадиган ёдгорликлардан бирор ҳакида 1975 йил 13 май куни «Совет Ўзбекистони» газетасида, 111(16194-сонида босилган «Улар қалбимизда вабадий яшайдилар» деган сарлаваҳали хабарни муҳтарам китобхонларимга ҳавола қилмоқчиман.

«Херсонда ўзбек пахтакор жангчилари ёдгорлик.

Редакцияга Украина ССР Херсон облости Скадовский райондаги меҳнаткашлар депутатлари Радгоспинен қишлоқ советидан хат келди. Шу райондаги 2-«Скадовский» пахтакорлик совхозида Улуг Ватан уруши бошлиланганга қадар Ўзбекистонлик пахтакорлар шплаганлар, фашист босқинчилари ватанини туроригига бостириб кирганда херсонлик пахтакор ўзбектар ҳам Украина ерларини ҳимоя қилиб, мардларча ҳалок бўлишган.

2-«Скадовский» совхозининг марказий кўргонида Улуг Ватан урушида ҳалок бўлган ҳамқишлоқлар хотирасига ёдторлик ўрнатилиб, уларнинг номларни мармар плиталарга ёзилгав. Қипшоқ

аҳли учун муқаддас жой бўлиб қолган. Митинглар, комсомол, пионер сафиға тантапали қабул, ишчилар сиғиға қабул маросимлари худди шу ерда ўтказилади.

Радгоспини қишлоқ совети ижрония комитети, совхоз дирекцияси ва партия комитети Украина ерларини ҳимоя қилишда ҳалок бўлган пахтакор ўзбекларниң номлариши газетада чиқариши сўраганилар. Мана ўша херсонлик пахтакорлар рўйхати.

Абдураззоқов К.  
Отажонов Тожибой  
Отабоев О.  
Бойтўраев Ҳамид  
Бектемиров Ислом Юнусович  
Дадажонов Боқижон  
Эргашев Жума  
Зокирев Жобир  
Эгамбердиев Собит  
Исломилов Шукур  
Қорақулов Абдухалил  
Каримов Абдулла  
Мирзаҳмедов Райимжон  
Мирхонов Гулом  
Нажимбоеев Йўлдош  
Рустамов Абдулла  
Салимов Ҳалим  
Сулаймонов Жўра  
Тожибоев Анвар  
Тожимираев Ҳотам  
Тошимбетов Муҳаммадқул  
Ўлжабоев Тошибулат  
Хўжамқулов Т.  
Йўлдошев Қаландар  
Юнусов Зокир

Херсонлик дўстлар Ватан баҳт-саодати йўлида ҳалок бўлган ўзбек пахтакорларининг номни ҳамина ифтихор, миннатдорлик билан тилга оладилар. Улар ўлмаган, қалбимизда мавгу яшайдилар.

Ана ўша Украинадаги фидойи ўзбек пахтакор жангчилари жавғ майдонларида Ўзбек дивизиялари билан якнилашиб кетган, бир-бирларига ҳаминафас-ҳамдард, ҳамдам бўлиб кетган эдп.

Ўзбекларимизниң жалговарликлари, олийканобликлари, сабру тоқатлари, одамийлик хислату фазилатлари мени ҳам мафтун этганинги боис, «Ҳөн-жон Ўзбеким» деган достон ёздим. Достоини сиз азиزلар диққатига ҳавола қиласар эканман, шуларни айтиб ўтгим келди.

Эҳтиром билан: МУАЛЛИФ

## I

Тарихга бир назар согланим учун,  
Хотирамдан берай озгина сабоқ;  
Дон<sup>1</sup> билан боғлиқдир ҳодисот бутун,  
Даҳшатли, суронли бўлса ҳам бироқ,

Ахир учқур ҳаёт мушкул маҳали,  
Қисматим эканда нотинч ҳолатда,  
Навқирон малакнинг берган мадади  
АЗиздир, қалбимдан ўчмас, албатта.

Мана, неча йиллар қўмсаб юрардим,  
Такрор учратсан деб ўша санамни.  
Ҳатто ҳузур қилиб тушда кўрардим,  
Умид оғушига ташлаб танамни.

Ҳаё, фазилатга бой эди ахир,  
Жафокаш, меҳрибон, ажиб бир малак.  
Ўзбек аёлига ҳос бардошу сабр,  
Кулфатни енгишда бўлмасди ҳалак.

Оғир дамлар дилин қилса ҳам чок-чок,  
Авжига чиқса ҳам ёнгину қирғин,  
Босқинчи бетўхтов келса ҳам лак-лак,  
Тарк этмаган эди најот соҳилин.

Ўзлигин кўрсатган жанггоҳда бекам,  
Асраган мению полкин байроғин.  
Кўзга кўринмай жон қалтис маҳал ҳам  
Асраган сингари кўзин қароғин.

<sup>1</sup> Дон дарёси, Украина замини қўада тутилмоқда.

Шу боис бетоқат, тиним билмайин  
Учаман санамга, Донбассга томон.  
Учаман умидим асло сўнмайин,  
Учаман, дилимда ҳаяжон — тўфон...

## II

Қоничар ва маккор фашист деган зот  
Бошлаган чоғида даҳшатли ҳужум,  
Узбек дивизияси ила кушод  
Отландим шиддатли жанг томон шу зум.

Ногаҳон юзма-юз келиб ўрмонда,  
Отишдик ёв билан бетиним чунон.  
Ҳаёт-мамот тўқнаш келиб майдонда,  
Қонларга бўялди замин беомон.

Кураша-кураша чекиндик секин,  
Украина ерини топтаганда ёв.  
Охир босиб киргач Доннинг тўпроғин,  
Оҳ чектириди ҳалқни, солганича дов..

\* \* \*

Донбасс — Украина кўмир ҳавзаси,  
Таърифи машҳурдир бутун оламга.  
Вайрон этган бугун фашист бомбаси,  
Ҳақорат ёғдириб барча одамга.

Шу қонли вулқонда жангчи дўстларим  
Тарас, Султон, Рафиқ ҳалок бўлганда,  
Жанговар яловни қўлимга олдим,  
Янгидан дўстлар-ла шай бўлиб жангда.

«Байроқни асрагил Берлинга қадар,  
Асрагин Фрицга бермайин асло.  
Фашизм қирилур, бутун, сарбасар,  
Бутунлай қирилиб бўлғуси адo».

Командир амрини этганча бажо,  
Ардоқлаб юртимнинг, полкимнинг шонин,  
Полкнинг байроғини асраб доимо,  
Курашдим қолгунча бир томчи қоним.

Артем<sup>1</sup> күчасидан энди чекиниб,  
Павших Коммунарга<sup>2</sup> стган махалим,  
Отишдим алана турса ҳам чиқиб,  
Отдим, хавф остида эса ҳам холим.

Лекин ёв ўқ йўллаб тураркан дўлдай,  
Ортиридим биқиндан мен ҳам жароҳат.  
Қон сизиб оқса ҳам, яроқ ташламай,  
Отишдим ҳар дамни билиб ғанимат.

Голиблик умидим сўнмайин бироқ,  
Тирикман ва лекин беҳол, безабон,  
Аланга эканда шаҳару қишлоқ  
Кетдим сўнг ҳушимдаи, йўқотиб кўл қон...

Ўзимга келибман илк саҳар чоғи,  
Нимжонликда зўрға олардим нафас.  
Жиссими тарк этмай жангларнинг доғи,  
Изтироб чектирар тинмайин бирпас.

Гўё чайқалар ер, айланарди бош,  
Боғланган тандаги барча жароҳат.  
Қимирлашга ҳол йўқ, жиссими гўё тош,  
Шу дамда истагим бир муддат роҳат.

Лабларим қапишган, ўзим безабон,  
Бу қандай кўргулик, кўзларим юмуқ,  
Кўзларим бир ниқоб остида пинҳон,  
Рост айтсам, вужудим ваҳимга тўлиқ.

Чулғаб олди бехос мудҳиш бир хаёл:  
Наҳот жанг ғолibi бўлган ул малъун?  
Наҳот мажруҳ этиб руҳимни филҳол,  
Асир олган, ётибман ҳибса тутқун?

Ярогимни олган?.. Ортда ташвишим,  
Наҳотки душманим низомида шай?  
Наҳот олган бўлса полкнинг байробин,  
Сақласам ҳам худди азиз жонимдай?..

Ногаҳон бир лаҳза очилгач кўзим,  
Ўз хасби ҳолимга ташладим назар:

<sup>1, 2</sup>, Донецк шаҳри кўчаларининг иоми

Қон эди либосим, құл, оёқ, юзим.  
Оқ дока чандылган чаккамга қадар.

Яна беқол, бесас, кетдим ҳушимдан,  
Худди бежон каби ётардим лоҳас.  
Бу ҳаёт — зимиңстон, ёки бир туман  
Каби тусланарди, рүөдек холос.

Ва ниҳоят, хәйл ўнгланиб хиёл,  
Қулогимга асир бўлдим бир нафас.  
Дилда умид нурин порлатди бу ҳол,  
Чиққан учун қўшни хонадан бир сас:

— Ҳурматли доктор,  
Ингитнинг ҳоли  
Сўлғин жамоли,  
Бағоят тангдир.

Қоним керакми,  
Қонимни берай,  
Жоним керакми,  
Жонимни берай.

Токи тирикман,  
Менин жин урмас.  
Токи тетикман,  
Қоним қуrimас.

Менинг қонимни  
Текширдилар ҳам,  
Аскар қони-ла  
Бир дедилар ҳам...

Чамамда врач  
Розилик берди.  
Бироз жим қолгаč,  
Ниҳоят деди:

— Тинка қуриган,  
Үнга қон керак.  
Майли, оламан,  
Бу яхши тилак...

Зинданний сукунат эди ҳукмрон,  
Жисмим ажал билан олишган маҳал.

Садолар тинганда тун бўлиб ҳоқон,  
«Нега тинди экан, мунча ҳам жадал?»

Шундай ўй ногаҳон этди безовта,  
Пучакка чиққандек умид шарпаси.  
Сукунат ҳокимлик қилса албатта,  
Баландроқ янграрди юракнинг саси.

Бўлсам ҳам қанчалик азоб домида,  
Яқин ўтмишимга ташладим назар.  
Эсланди банд бўлиб хаёл комида,  
Отаму онаму авлод·аждодлар.

Банд этди ёдимни бог, далаларим,  
Сўлим қишлоғиму азиҳ дўстларим.  
Дўстлар билан кечган хушнуд дамларим,  
Қизларга айтилган ҳазил сўзларим.

Қийқириқ, шўхликлар келурми яна,  
Қани қайтарилса такрор ва такрор.  
Суҳбату тортишув бўларми яна,  
Оҳ... Кошки ўтмишим тополса қарор...

Меҳр-ла яратган боғ-бўстонларим,  
Ноз-неъмат етилган у ёзги фасл,  
Дўстлар-ла ўқилган шеър, достонларим  
Хаёлда жонланар бўлиб энг асл.

Шуларни дур мисол жо этиб дилга,  
Бурч каби асрайман меҳрим боғида.  
Менга баҳт-саодат баҳш этган элга  
Фидойи жангчиман мушкул чоғида...

Барча кўрганларим, кечирганларим  
Хаёлда бус-бутун жонланиб бўлмай,  
Вайронага кирди, қилолдим фаҳм,  
Бир фриц, қўлида автомати шай.

Қўлида фонуси, келарди танҳо,  
Атроф-теваракка боқиб тез, бир ров.  
Қўзлари даҳшатли, ғоятда бежо,  
Мени сезса борми, отарди дарров.

Қани бўлса шу дам шернинг қудрати,  
Қасосим, ғазабим кўрсатса кучин.

Евни йўқ қилмоқнинг сезиб лаззатин,  
Ололсам ўч олмай кетганлар ўчин.

Лекин, мағлубликни тилга олмасдим,  
Хаёлга келмасди афсус-надомат.  
Курашмоқ режасин бичиб толмасдим,  
Хавф солиб турса ҳам гарчанд фалокат.

Жанг қилар ўйларим, гүё вужудим,  
Бетўхтов, беаёв чоғда қўққисдан  
Қарсилааб бир гавда қулади, сездим,  
Харидай қулади, ажраб фонусдан.

Ажабо, фашистни гум қилган кимдир,  
Жасадин тортқилаб жўнади зимдан?  
Фожна сирини яширган тундир,  
Хабар топтирмайин сирли ўлимдан...

### III

Менга мавҳум, булар ким бўлди ахир,  
Қайси бир меҳрибон ғамимда юрар?  
Фоятда таъсирли эди ушбу сир,  
Эҳтимол дил қушим қайта чарх урар?

Билмадим неча кун, неча соатлар  
Ўтибди, олардим оҳиста нафас.  
Ҳаёт ҳисси менга нажот бергандир,  
Кўзларим юмуғу лабларим бесас?

Бебошбоғ ўйларим қовушмай ҳали,  
Қайдандир нур сочди қиздириб қуёш,  
Юз берди ажиб ҳол чошгоҳ маҳали,  
Бехос пешонамга тўкилгач кўзёш.

Очишган кўзларим тушди бир қизга,  
Ўзбекона чеҳра, қиз эмас, қуёш!  
Тилсизман, нигоҳим ташладим унга,  
Тин олмай пайқадим, кўзи жиққа ёш.

Фариштами ёки дунёвий рухсор,  
Бош-аёқ либоси ғарифроқ, лекин.  
Қора кўз чашмадай тиниқ, беғубор.  
Рафтори қизларга ярашиқ, секин.

Зулфию қош-күзин қаранг, балогох,  
Қоматига монанд ва серназокат.  
Күрибоқ бир сирдан бўлолдим огоҳ,  
Аёндир, шул менга қилган марҳамат...

Хушбахтлик ўша он кўнгилдан йироқ,  
Унутилган ором, табассум бари.  
Бироқ у қиз менга очганча қучоқ,  
Юзимдан бўсалар олди аксари.

Бағоят узилмай ним жон танамдан,  
Ўзбекчалаб деди ризолик сўзин:  
— Хайрият, баҳраманд бўлиб қонимдан,  
Шубҳасиз топдингиз умид шарпасин...—

Ўша он менда сал жонлангач ҳаёт,  
Шоша тикланди қиз чўнтағин кавлаб.  
Рўмолчасин олди. Унда эҳтиёт,—  
Бурда нон асралган эди авайлаб:

— Туз тотмай ётдингиз сиз неча кунлаб,  
Очлик ҳам бергандир шиддатли озор.  
Бисотимда борин шу нонни асраб  
Илингандим сизга, бўлсин деб мадор...—

О, ўзбек малаги,— жонимга мадор,  
Ўйламай — нетмаёқ бурдалаб нонни,  
Увоқлаб едирди, этмай интизор,  
Ором олдим қайта, топгандай жонни...

#### IV

Мени келтирдилар олис ўрмонга,  
Кўчма касалхона бўлди бошпанам.  
Жарроҳат омонлик бермасди жонга,  
Мис бўлиб қизирди, ёнарди танам.

Жарроҳни дедилар Салим Холович,  
Ўзбек экан, тегмас қўли-қўлига.  
Украин эли-ла яшар, синчкович,  
Дардни кўрди тезроқ, қўймай ҳолимга.

Жарроҳга йўқ тиғдан ўзгача чора,  
Жарроҳат иллатин кесиб олмоққа,

Ногаҳон ушалса умидим зорә,  
Ҳәётим, узайтса, кетсам узоққа...

Ташаккур жарроҳга, қўли гул инсон  
Кўрсатди чинакам илму амалин.  
Танамдан тирқираб оққанда ҳам қон,  
Итқитиб ташлади мендан ажални...

\* \* \*

Полкдаман, келтирдим байробин, баланд  
Кўтариб, баҳш этиб барчага қувонч,  
Фашист пўписасин қилмайин писанд,  
Жангларга йўл олдим, дил тўла ишонч...

Оҳ, насибда, қайта Дондаман, бешак,  
Қирқ учинчи йилда худди кузакда.  
Олчоқлар қочарди бурчакма-бурчак,  
Лашкарин аксарин тутдек тўксакда.

Яна кўз ўнгимда ўша хиёбон,  
Томчи қоним қолган вайрон бошпана.  
«Бормикин ўзбегим, борми ул жонон?»  
Деган ўй домига ўради яна.

Кириб кўрдим дарҳол ўша кулбани,  
Қолган-қутгани ҳам бўлмиш вайрона.  
Излашдан топарман деб бирор маъни,  
Изладим бетиним ўзим ягона.

Топсам ўпар эдим босган изини,  
Ўзбегимдан дея менга ёдигор.  
Босармидим юрак алансасини,  
Юрак алансаси — билмагай меъёр...

Кечирсин, кўнглимга ҳеч нарса сиғмас,  
Ниҳоят, қайтадан кетлим жанг сари.  
Бекам хотираси этар экан маст,  
Ўйларим еллардай эди сарсари...

Баланд келган учун құллар жанғгоҳда,  
Шарақлар қуроллар тұхтамай бир зум.  
Жасорат күрсатиб әнг мушкул дамда,  
Бошладик беҳудуд күламда ҳужум.

Юз минглаб ўзбек ҳам әмасди бедор,  
Йүқ әди жангчининг ноқобили ҳам.  
Аксинча, матонат күрсатиб тақрор,  
Жанг қылдик босқинчи топгунча барҳам.

Жанг қилардик бетин мисоли лочин,  
Қира-қира шитоб қора вабони.  
Кучимиз күрсатиб асл аъмолин,  
Забт этдик пешма-пеш қурған ошёнин.

Ха, қувиб кетдик то Берлинга қадар,  
Фашистнинг ўнг-сўлин қириб ташладик.  
Дафъ этдик кетма-кет кўрингач хатар,  
Балолар туйнугин уриб ташладик...

Ниҳоят, биз енгдик! Қозондик зафар,  
Инига сув қуиб фашистлар зотин.  
Ўзгача тантана бўлди бу сафар,  
Қувончга фарқ бўлди эркагу хотин.

Етиб келди энди ўзга бир сурур,  
Жанговар юртимиз олқишига лойиқ.  
Үрушни тутатгач ким бўлмас масрур,  
Фашистдан қасосин олгач халойиқ?

Одамзот умрининг балқиган фасли  
Қайтадан оламда бошлагани чоғ,  
Энди қисматимга битганди асли  
Қувонч, севги дардин бекамга айтмоқ.

Сира ором бермас хаёл дунёси,  
На қилай, юрак ҳам ўйлашга мойил.  
Хотирамдан ўчмай унинг сиймоси,  
Қалб қурғур бўларди тавсифга ноил.

Бекам ишларидан фаҳрлансанда,  
«Тирикми ё шахил?» леган ваҳима

Танг этиб далимни ҳар кун, ҳар дамда,  
Эзилган танамга соларди раҳна.

Жўш урган ғулувга кенг очиб қучоқ.  
Парвоналар каби кетдим Дон тараф.  
Бекамни топай деб изладим тезроқ,  
Изладим, изладим қолмай чор тараф.

Аммо қисматимга битмади топиш,  
Ўкинч қолиб яна ташна дилимда.  
Гуноҳдир у каби малакдан тониш,  
Шу хаёл эзарди юрган йўлимда...

## VI

Инллар ўтди, ҳаёт ўзгача жуда,  
Донецк шаҳри қаддин тиклаган мағур.  
Дилраболик эди foят авжида,  
Ҳароратли шавқлар уйғотар ғурур.

Кезиб юрдим кўркам бинолар аро,  
Қўз ўнгимда тургач эзгу хиёбон.  
Кездим, кездим, кездим қайтадан аммо,  
Дил танг бўлди, бекам бўлмай намоён...

Шафқатсиз эса ҳам тақдирнинг иши,  
Шафқатсиз эса ҳам тақдир йўллари.  
Омонлик бермагач қалбим ёниши,  
Йўқлардим бекамни кўп йилдан бери.

Яна келдим ўша хиёбон томон,  
Бахтим юлдузига бўлиб интизор.  
Қайъий ниятимдан қизиганча қон,  
Бир эшикни чертдим аста, беозор.

Сезилди кимнингдир одим олиши,  
Зийрак қулоқ осиб турганим маҳал,  
Фоят кўп чўзилмай эшик очиши  
Билан юриб чиқди секин бир гўзал.

Ниҳоят кўз ташлаб бўлдим ҳангуманг,  
Тушимми-ўнгим, ё алдамчи тақдир!—  
Дея қотиб турдим бўлгандай гаранг,  
Безабон домига олгандай сеҳр.

Кўз ўнгимда туриб гўёки бекам,  
Жилмаярди хушнуд, ташлаб бир нигоҳ.  
Ўзгармабди ҳатто бирор туки ҳам,  
Мен учун бу соҳир-мўъжиза нигоҳ.

Кўзлари нақ ўша, оҳу кўзидаӣ,  
Парилар ҳуснидай бегубор жамол.  
Парими ва ёки ҳурнинг ўзидаӣ,  
Гўёки сира ҳам кўрмаган завол.

Нафис қоматига қора сочи мос,  
Бармоқ босилгандек ўша кулдиргич,  
Бўйнидаги холи ҳам бўлади асос,  
Дилда уйғонаркан яширин севинч.

Лекин, фароғатин сақлаб беозор,  
Урушнинг азобин кўрмаган татиб,  
Чамамда, яшаган бешак баҳтиёр,  
Ҳаёти мазмунли ҳамда батартиб...

Бошимда чустнусха дўппини кўриб,  
Дадил тикди менга ҳайрон кўзларин.  
Охири эшигдим кўнгил шод бўлиб  
Ўзбекча «Ким керак?» деган сўзларин.

Дедим: — Ҳасратимни тинглангиз пича,  
Зора телбаликка берсам хотима.  
Тинмайин ўйлаб бор кундузу кеча  
Изладим не-не хуш онлар татимай.

Мана шу остона, мана шу кулба  
Тупроғига қоним қоришган маҳал,  
Хушдан кетган чоғим келиб бир бека,  
Қошимда турганди фаришта мисол.

Воқиф бўлиб қалтис, беҳол жонимдан,  
Берган эди қонин ва нонин филҳол.  
Шу боис, ўчирмай уни қалбимдан,  
Ахтариб юрибман, келмайин малол!

Айбим шуки менинг, ҳолим танг маҳал,  
Сўрамабман исмин, жою аъмолин.  
Қолган менда фақат хотира-хаёл,  
Чекиб келмоқдаман ҳижрон азобин...

Хоҳ инонинг менга, хоҳи инонманг,  
Сиздан топиб унинг гўзал жамолин,  
Хушлан кетаёздим бўлиб ҳангуманг,  
Ўзимга аёндир ҳозир аҳволим...—

Ташрифим боисин айтгач сир сочиб,  
У мушфиқ малика бўлди серсабот,  
Қадамим эъзозлаб, эшигин очиб,  
Ичкари томонга таклиф этди шод.

Деди: — Сизнинг хоҳиш экан шунчалик,  
Жон-дилдан бажарай не бўлса лозим.  
Сиз чеккан азият экан қанчалик,  
Айтган эди қисман онамнинг ўзи...

Сўрадим бетоқат: — Бекам тирикми?  
— Тириклар, — деб жавоб берди мезбоним.  
Дедим: — Хайрият, шод қилдингиз мени.  
Деди: — Шошманг... — Ва сўнг бироз қолди жим...

Дедим: — Юрагимга солманг ваҳима,  
Интиқлик дастидан азоб чекмиш жон.  
Таскин беринг тезроқ, чанқоқман унга,  
Негаки, у бекам эди меҳрибон...

Деди: — Онам ҳам жант қилган қўрқмасдан,  
Аҳдида турганча қатъий, устивор,  
Жанг жадаларда ўзин кўрсатган.  
Курашган ёвларни этай деб тор-мор.

Аммо фашист ўқи беаёв бўлиб,  
Тешиб ўтган онам танасин уч бор.  
Бироқ, шифосининг чорасин кўриб,  
Жангга кириб кетган такрор ва такрор.

Уруш ҳам тугабди. Қувонч ёр бўлиб,  
Хотиржам яшашга етибди наебат.  
Отам билан онам бақамти келиб,  
Турмуш қурибдилар қўйиб муҳаббат.

Онаму отамга йўлдош бўлиб баҳт,  
Татиди ҳаётнинг лаззатларини.

Ниҳоят, бизни ҳам қилганча хушбахт,  
Үргатди мардона одатларини.

Аммо, бўлса ҳамки ҳаёт беозор,  
Уруш жароҳати кўрсатди ўзин.  
Отам кўп чекдию азият, озор,  
Начора, сўнг юмди ҳаётдан кўзин...

Дедим: — Бир хатойим кўрсатди кучин,  
Изтироб чектириб неча бор расо.  
Фоят фаҳм этсан исм қимматин,  
Долзарбда дилга бўларкан асо.

Деди: — исмим Васли, Акбароваман.  
Онамнинг муҳтарам исми Мариям.  
Дедим: — Исмим Асрор, Ботир ўғлиман,  
Эвоҳ, ийиб кетди меҳрим янайм!

Малика тин олиб жим қолди бир он,  
Хаёлат оламин асири бўлиб,  
Сўнгра сўз очди у маъюс, паришон,  
Паришон ва лекин ғазабга тўлиб:

— Алдамчилик эмас, рўйи-рост айтсан,  
Онам сонида бор темир парчаси,  
Сўнгги йилар азоб чектириб кам-кам,  
Оқибат очилиб қолган яраси.

Жарроҳнинг фикрича, фурсат ғанимат,  
Мумкинмиш олмоқлик ўша металлни.  
Сўнг шифо топармиш, кўрмасмиш офат.  
Енгармиш жарроҳнинг қўли ажални...

Руҳидан сездимки, азобдадир ул,  
Қалбининг қаърида қайнарди азоб.  
Қўтарилисин учун ээйлган кўнгил,  
Далда бердим тилга кирганча шу тоб:

— Жон бермай текинга, топсин шифосин  
Оқибат, қон тепиб гўзал юзига.  
Топсин у шодлигин нақ ибтидосин,  
Ҳаёти қайтадан тушсин изига...—

Дилкаш билан сүнгра юриб кетма-кет,  
Кириб бордик охир бир уйга томон.  
Бунда бекам билан келгач бетма-бет,  
Шошиб қолди ақлим, босиб ҳаяжон.

Уша күп хушсурат бекам, чин инсон,  
Ажинларсиз силлиқ эди у жамол.  
Товланар соchlарн шалоласимон.  
Оралаб қолса ҳам оқ тола хиёл.

Эслаб кетди ўша ўтмишни бир дам,  
Кимлардир, нимадир ўтгач хаёлдан,  
Ҳаёт ғами соя солғандек шу дам,  
Хушини йўқотди кетганча ҳолдан.

Мақсадга эришмоқ аҳди-ла чаққон  
Чақирдик, мададга келди «тез ёрдам».  
Бекамни кузатиб бордик иковлон,  
Соғлиғин тиладик бўлсин деб бардам...

Хуллас, ўйларимиз бир-бир уланиб,  
Хаёл гирдобида биз экан маҳал,  
Жарроҳ келди бизга вазмин, солланиб,  
Хомуш кўринарди чеҳраси сал-пал:

— Юраклар ларзага келмасдан айтинг,  
Бекамга баҳт кулиб боқарми, йўқми?  
Илтимос, ёлғонни демасдан айтинг,  
Шифо топишидан кўнглингиз тўқми?...

— Ҳа, айтинг, тез, доктор, — деди малика,  
Вужудин қамрагач беҳол ҳаяжон.

— Айрилиқ солмасми бизга таҳлика,  
Етим қолмаймизми бўлиб навжувон?

— Онангиз жасорат соҳибасидир,  
Эришар қай ишга қиларкан жазм.  
Столда ўзини тутдию дадил,  
Танидан айирдик темир парчасин.

Синадик жүш урган қайноқ қалбини,  
Дош берар жасурдек неча қийноққа.  
Лекин тезроқ күтартсии учун қаддини,  
Қон керак томшыга илдам құймоққа...

Мен ҳам дедим жавоб: — Қоним олинг, қон,  
Қанча керак бұлса, олинг бемалол.  
Шифо топса бас бекіес инсон,  
Хайиқманг, олингиз, келмагай малол!..

Хуллас, менинг қоним күрсатди күчин,  
Орадан талай вақт ўтгани маҳал.  
Ниҳоят, қошиға киролдик бир күн,  
Ором олишга бермайин халал.

Үзбекчалаб қўлни олмай елкамдан:  
— Шукур... Хуш келибсиз, жон-жон ўзбегим!  
Дедим: — Ҳушвақт бўлинг! — Ёш қалқиб қўздан,  
Фууруга чулғанди менинг ўзлигим.

Юзимдан бир ўпид сўзлади бекам:  
— Оҳ... Жангда топганим — дилимнинг шоҳи!..  
Беихтиёр мени чулғаб ўша дам  
Мағлуб қилган эди севгим — ҳамроҳим.

Айрилиқ ўртага кирганды шитоб,  
Ташна ҳол боққанча айрилдик у дам.  
Сўнгги йиллар сизни кутгандим чидағ,  
Лоақал бир нафас бўлай деб ҳамдам.

Менга таскин берди фақат хуш хаёл,  
Кутганды қалбимни тўлдириб ҳисга.  
Гоҳ бахтиёр қилди тушдаги висол,  
Ўнгимдай рўйи-рост етқазиб Сизга.

София оловида ўртаниб гоҳо,  
Қарғадим фашистни, урушни чунон,  
Тинч-омонийлик қарор топганды расо,  
Сизни кутдим гоҳ-гоҳ термілиб ҳарён.

Шукурким ўйларим бўлмайин гумон,  
Юз кўришдик ғоят соғу-саломат.

Бир зумлик мазмуни бўлиб бир жаҳон,  
Насиб этсин бизга авжи фароғат...

У менда яшашни ҳис этганим он  
Янада оғушига олди эҳтирос.  
У борки, мен борман, бор ёруғ жаҳон,  
Сўз очдим бўғзимга тиқилиб овоз:

«Ўзбекмисиз?», дедим қувнаб бехосдан,  
«Ҳа», деди малак ҳам, шодлик бекиёс.  
«Келиб қолганмисиз Ўзбекистондан?»,  
Шошмай деди малак, келтириб асос:

«Авлодимиз Нурсуқ<sup>1</sup> деган қишлоқдан,  
«Бой экансан» дея отамни зўрлаб  
Уттиз иккинчи йил қулоқ қилишган,  
Бадарға қилганча Донбассга йўллаб.

Буёққа қўшилиб ризқу рўзимиз,  
Боғладик бошқача ҳаётга умид.  
Берган учун тўқкан манглай теримиз,  
Қўру қурт топдик ҳам бўлмай ноумид.

Аммо уруш қилгач ўлакса қузғун,  
Ё ўлим, ё қолиш, ҳаёт ё мамот  
Дея кириб кетдик ўзбек ҳам бутун,  
Уриб-сурнб кетдик борки фашист зот.

Бизлар ҳам юртимиз яловбардори,  
Ҳарбу зарбда бўлдик шунқор, алнга,  
Жангчининг йўқ эди ўзгача зори,  
Үғлонлар довруғин солди жаҳонга.

Самарасин берди бизнинг ғолиблиқ  
Бахш этиб тарона, ором, нашида.  
Насиб-да, топишдик боқиб рўшнолик,  
Мана, тургандекмиз Ўзбекистонда...

---

<sup>1</sup>. Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманиндағи Нурсуқ қишлоғи.

\* \* \*

Ҳа, толе боққан юрт унүтилмасдир,  
Бахт ундирган тинчлик бўлиб турса бас.  
Армуғон этилган муҳаббат создир,  
Одамзот элига қўёлгач ҳавас...

Орзу-умид асл эса бепоён,  
Бир умр инсон бор, қолмас армонда.  
Хоҳиширодамиз бўлиб безиён,  
Яшаймиз мустақил Ўзбекистонда!

*Тошкент-Донецк,  
1983-1985 йиллар.*

# ГУАРИНА

*Достоп*

## МУАЛЛИФДАН:

Америка қитъасидаги Куба оролларнда яшовчи халқлар кўпроқ гуруч солинган таомларни истеъмол қилишар экан. Аммо мамлакатда шолицилик замонавий дарражада ривожланган эди. Шу сабабдан, Куба ҳукумати 1974 йили Ўзбекистон шолицилик илмий-текшириш институтининг ходими Турсунбой Эргашевич Исҳоқовни ишга таклиф қилган эди.

Дўстлик, инсонпарварлик туйғулари — ўзбеклар учун жонажон фазилат. Шунинг учун ҳам Турсунбой олим ва инсон сифатида бор маҳоратини ишга солиб, Кубадаги ер шароитларини ҳар томонлама, пухта үрганиб чиққач, шолициликда мўъжизалар яратди! У бурунлари ҳар гектар ердан ўн центнердангина ҳосил берадиган «Бурибон», «Гондурас» деган шоли навларидан фойдаланишини тўхтатди. Сўнг, Кубада хизмат қилган ўн икки йил мобайнида «Кариб—1», «Кариб—7», «Хукарите», «Амистат—82» ва «Лазорний» каби бир қатор янги шоли навларини ихтиро қилиб, истеъмолга олиб кирди. Шулар натижасида кубаликлар ҳар гектар ердан бир юз ўн центнергача юқори сифатли шоли ҳосили олишга эришдилар.

Ҳақиқий олим қаерда ишламасин, энг аввало туғилган юртини, она халқини улуғлайди. Кубаликлар ўзбек халқини Турсунбойнинг кашфиётлари туфайли севиб қолишибди, олimgа ва ўзбек халқига миннатдорчилик туйғуларини изҳор қилишибди. Ҳатто Турсунбой оиласи янги фарзанд кўрганда, Куба халқи билан ўзбек халқи дўстлигининг рамзи бўлиб қолсин деб, қизалоққа Кубанингт миллий қаҳрамони — Гуарина исмини қўйишди.

Мен ишониш қўйиндан туялган ушбу воқеаларга ихлосманд бўлиб, 1983 йил июль ойида Куба диёрига ижодий командировкага бордим. Кубаликлар билан суҳбатлашдим. Натижада мана бу «Гуарина» деган достонча ёзилди.

## МУҚАДДИМА

Нотаниш қитъада, менга бегона,  
Музafferар диёрнинг бўлдим меҳмони.  
Иўлдошлар учратдим бунда, мардана,  
Илтифотли экан юртнинг мезбони.

Тасаввурда эди бурун афсона,  
Тўлқинга дош берган озод бир орол.  
Қанот боғлаган ўй экан фасона,  
То яшноқ заминга қолмагунча лол.

Боққанидан иқбол, қуёши яқин,  
Фалаклан тинимсиз сочиб тураг нур.  
Таърифга сифмагай фусункор очун,  
Мағур қадди эса бамисоли ҳур.

Бу — мафтункор Куба! Осмони тиниқ,  
Кариб оғушида яна ҳам гўзал,  
Беғубор, мўътадил ҳавоси илиқ,  
Чиройи ундан ҳам тўкис ва тугал.

Пардоз бериб тураг майса, чаманлар,  
Қоялардан оққан зумрад сувлари,  
Боши кўкка етган сўлим ўрмонлар,  
Дарёлар шўхлиги ва ғулувлари.

Съерра-Маэстра чўққиси буюқ,  
Қояларда умид ниҳоли кўркам.  
Сантъяго-де-Куба деган юрт суюқ,  
Қурилган бинолар юксак, мустаҳкам.

Гўзал Гавананинг саботи чексиз,  
Зулматни маҳв этиб, тўлган зиёга.  
Авлодлар кураши қолмайин изсиз,  
Янгидан бир давлат келган дунёга.

Оръенте, Лас-Вильяс — сахий вилоят,  
Зироат кўлами сўзсиз беқиёс.  
Олтин тупроғин бахш этган табнат,  
Инъом — жасур деҳқон истагига мос.

Иқболли Кубанинг қудрати буюк,  
Курган тузуми ҳам аъло маэмунда.  
Қаҳрамон халқининг нияти қутлуғ,  
Бир аср даврни яшар ҳар кунда.

Беҳуда ўтмасин деб ватан ёзи,  
Она ер фарзанди сайқал бермоқда,  
Дўстларнинг дўстларга жўрдир овози,  
Деҳқонлар беназир ҳосил термоқда.

Бу эртак эмасдир, мавжуд ҳақиқат,  
Ёронлар сафида ўзбек ҳам жонбоз!  
Кўришдик, дил-дилдан кувондим беҳад,  
Жўрага елкадош экан, жуда соз.

Бу ажиб бир диёр, ибратли бешак,  
Қалбида яшаркан гўзал бир ҳаёт,  
Ҳимматли инсонга изоҳ ҳам керак,  
Жаҳон билиб қўйсин кимлигин бу зот:

У зотнинг қишлоғи экан Тўйтепа,  
Дўстлик, тинчлик шаҳри Тошкентга яқин.  
Толеи барқ урган мумтоз гултепа,  
Шаънига дейилар бир олам таҳсин.

Унинг номи эди Турсунбой олим,  
Шоликор сифатда қилиб тадқиқот,  
Дер экан, «тажриба — аъло муаллим»,  
Асосан далада ўтказар ҳаёт.

Хизматин мазмунни ғоят ўзгача, —  
Куба дастурхони неъматга тўлса,  
Етиб ортса ҳатто ярим шаргача,  
Ҳосил хирмонлари беҳудуд ўssa.

Шу боис, қадрлаб вақтин Турсунбой,  
Жилолмас завқ олмай қутлуғ хизматдан,  
Сероб бўлсин дея зафар ойдан-ой,  
Еғилса хушхабар яқин-йироқдан...

Лек ишнинг ҳам бўлар нуқсу чиройи,  
Баъзида бесамар ўтар фурсатлар.  
Баъзан иш юритар тезроқ, бинойи,  
Фарқ қиласр қувончга ғолиб суръатлар.

Толе ҳам келмагай жўнгина, бекам,  
Тириклик юкини елкалар экан.  
Закоси зўр инсон бўлолмас беғам,  
Қилни қирқ ёракан, тилкалар экан.

Баъзида юз берган тасодиф ҳатто  
Рўзгор ташвишин ҳам ёдингга солар.  
Зиқ маҳал диққатни чалғитиб аммо,  
Турфа хил хаёлни туғдира олар.

Худди шундай ҳолат Турсунбойда ҳам  
Юз берди, тортиб бул диққатим бешак.  
Шу ҳақда батафсил сўйлай ҳикоям,  
Үйлайман, баёнга монанд тушажак.

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

Ёз фасли, Турсунбой келди олисдан,  
Келдию ёрига ташлади назар.  
Таажжуб оғушга олди қўққисдан,  
Кайфиятин кўрди — нохуш нақалар!

Турсунбой:

— Етиб келдим шитоб Камагуэйдан,  
Хабар етгач заҳот кечикмай сира.  
Ҳар куйга солгувчи ҳар турли ўйдан,  
Сенга ростин айтсан, дил эди хира... —

Муҳташам ҳонадон бекаси мисол  
Турса ҳам Фарида, кўнгли юмшамай,  
Аёнку нигоҳдан, сочилган хаёл,  
Ерининг эркалашин ҳатто ҳушламай.

Ерининг бағрида экан Фарида,  
Дув сочди кўз ёшин, чеҳраси сўлғин.  
Ваҳима аралаш сўзлаб дарлидан,  
Сийнасин қамрарди бетоқат тўлқин:

— Таърифча бўлгандим гулдай келинчак,  
Кўнглиингиз очгандим қўшиқлар айтиб.  
Инонинг, зўр орзу эди беланчак,  
Меҳрим қонсин дердим аллалар айтиб...

Турсунбой сукутда, ўта сертоқат.  
Ерининг айтганин магзини чақиб,  
Шошилмай айтди ҳам жавобин албат,  
Серандуҳ ёрининг юзига боқиб:

— Азизим, толе ёр, сулув жувонсан,  
Ҳеч қачон кулфатга эмассан улфат.  
Мен учун абадий суюк жононсан,  
Кўзёшинг нимаси, хафалик уят... —

Таажжуб домида Фарида бир зум,  
Тизгин солаолди оху зорига.  
Сўздаги ифода гўё бир ҳужум  
Сингари туюлди севган ёрига:

— Соҳибим, меҳрингиз энг аъло қисмат,  
Ҳавасларим чексиз, сўнмас эҳтирос.  
Қуриб кетсин изсиз азалий билъат,  
Сизда бор ўзга бир ибратли ихлос...

Фақат қилмоқчиман сиздан бир талаб,  
Он ўтмай учсакми Тошкентим сари.  
Кўз ёриш муҳлатим кутмас ҳафталаб,  
Ватанда туғилса қалбим гавҳари... —

Ёрига қадалиб чақмоқ кўзлари,  
Турсунбой согланча синчковли назар,  
Юпантурмоқ учун айтган сўzlари  
Маржондек тизилиб тилига келар:

— Куба ҳам юртимга ўхшаш бир очун,  
Хеш эмас капитал деган нуқсонга.  
Бахтин топган диёр бўлгани учун,  
Дарбадарлик битсин деган жаҳонга.

Бошингда парвона қизу жувонлар,  
Бегона атамас бирор жувон, қиз.  
Бағри тўла меҳр, дўст, қадрдонлар,  
Айтсак бас, доялар келишар сўзсиз.

Гуноҳми ҳамдамдан имдод сўрамоқ,  
Саховат амри-ла очганда тўшин.  
Шу нозик лаҳзада олисга бормоқ  
Яхшими? Оқила ёримсан, тушун...

Бир нафас хаёлга чўмган Фарида,  
Ёрига бошқача боқди, ажабо.  
Ташвишлар туманин ҳайдаб нарига,  
Сўнг деди сўзига бермайин оро:

— Чет эл эмас Куба, демасман ёт эл,  
Лек она юртда-ку ярим юрагим.  
Улғайган жойингга эсон-омон кел,  
Деган эди қавмим, сезиб истагим.

Асло жой қолмасин кўнгилда ғашга,  
Оташин қалбингиз тинмасин зинҳор,  
Рухсат берсангиз бас, якка жўнашга,  
Аминман, сизга ҳеч етмагай озор... —

Ажабо!.. Турсунбой лол қолди бирдан,  
Қаломга ҳам тили эди бежавоб.  
Хаёли ишларди бетиним зидан,  
Сўз айтди ниҳоят вазмин, боадаб:

— Замин узра тирик ҳар бир инсон ҳам  
Фарзанд кўрмоқликни қиласди орзу .  
Одамзот умрининг чўққиси шу дам,  
Бу орзу ҳамиша эзгутир, эзгу!..

Бир қўш бўлиб тортдик турмуш юкини,  
Ҳаётий жумбоқдан нолимай элга.  
Урф-одат, русумнинг бўлмай тутқуни,  
Аждодлик гаштини сурайлик бирга.

Сут эмган чоғидан бўлсин меҳрибон,  
Севилсин оққўнгил инсон ватани.  
Одамийлик илиа бўлсин қадрдон,  
Беҳуда кетмасин исм илиа шаъни.

Ўғил кўрсак дейлик — Куба ўғлони,  
Соғлом тан, мукаммал инсон бўлса бас.  
Қизча кўрсак дейлик — Куба тобони,  
Беғубор баҳтини қилсиллар ҳавас!..

Бир зумлик сукунат тугамай бирдан,  
Шошиб кириб келди гүзал бир жувон.  
Нигоҳин қадади беогоҳ, зымдан,  
Табассум-ла салом ҳам деди чаққон.

Хаёли бўлингач икки баҳсдош,  
— Марҳабо, Мария! — деди баробар.  
Эъзозин қилишди, гўё бир қондош,  
Қондошлар меҳри-ку ахир сийму зар.

Чамаси, Мария, серкулгу, қувноқ,  
Қалби ҳам қайноқ ўт, ҳукмрон оташ,  
Беназири бетинч, шарпадан йироқ,  
Сўз очди ихлоғманд бамисли дилкаш:

— Турсунбой Эргашич, элчиман бу чоқ,  
Келтирдим топшириқ, омонат бир гап:  
Вазирликка борар экансиз тезроқ,  
Ажабмас айтсалар кўнгилли бир гап... —

— Бундоқ хабар учун ташаккур сизга,  
Мағурисиз, Мария, ўта меҳрибон.  
Кимдир Фарида-ла бўлолса бирга,  
Беилҳақ кор битиб, қолмасди армон...

Мария: — Мен борман, бўлинг хотиржам,  
Муқаддас дўстликка не етсии ахир.  
Виждон амри сўзсиз мўътабар, маҳкам,  
Сизларнинг меҳрингиз қалбда бетаҳрир...

Турсунбой дер: — Раҳмат ҳимматингизга,  
Ошиқдим айтмоққа дилда борини.  
Оз эрур минг таъзим қилсак ҳам сизга,  
Мен сизга топширдим севган ёримни... —

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

Салдан сўнг кетаркан Турсунбой шошиб,  
Фарида қалбиди эди ғулғула.  
Муҳиб дугонага юраги тошиб,  
Бор сирин сўзлади тўқис ва тўла,

— Мария, дугонам, қурдошим бешак,  
Яшарсан ҳур, чекмай афсус-надомат.  
Толени қадрлар сендеқ довюорак,  
Пешонангта битган беташвиш омад.

Илк бора зафарлар қучған ватаним,  
Дилимда, заминнинг умид таянчи.  
Фикр бер, ўлкамда кўз ёрсам девдим,  
Киндик қон томган юрт, элим қувончи. —

Хаёлот денгизи чайқатган чогда,  
Жўрттага чалғитиб дугонасини,  
Мария сўзини бошлар узоқдан,  
Фарида тинглар ҳар товуш, сўзини:

— Гапинг ҳақ, дугонам, қурдошмиз бешак,  
Яшарман ҳур, чекмай афсус-надомат.  
Бу кунга етгунча бироқ бу юрак  
Ва бу жон тортмади не-не маломат:

«Отанг қулбаччадир, онанг жория»,  
Дейишдан тийилмай, қилган ҳақорат.  
Зулматлар ҳар куни ва ҳар сония  
Чектирилар аччиқ-аччиқ азият.

Сир тутмай айтаман ҳақни ҳар ҳолда,  
Волидам яшаган чўридан баттар.  
Отам юрти Малъта<sup>1</sup> деган оролда,  
Утган аср пуллаб кетган савдогар.

Онам ҳам ёшлиқдан ҳижрон доғида  
Бемеъёр елкалаб олган экан ғам.  
Букчайиб Севилядан<sup>2</sup> кетган чогида,  
Қалбда ёнган оташ, сўнмайин алам.

Сўнг эса лаънати тақдир беаёв  
Палахмон тошидек отган Кубага.  
Зулмат фарзанди деб эзган беэгов,  
Зўр-базўр эришган кичик кулбага.

<sup>1</sup> Урта ер девгиадаги бир орол.

<sup>2</sup> Испаниядаги шаҳарлардан бирри.

Лима қишлоғида яшаб иккиси,  
Хароба ҳужрага бўлган мұяссар.  
Учмайши қалбидан ғам-ҳасрат саси.  
Умри ўтгани дилхун, бўлиб бесамар.

Охират гашитиб турган маҳалда,  
Отам эди ётмиш ёшда bemажол.  
Кўксин қисар қайғу, ҳокисор банда,  
Васнитин деди шивирлаб беҳол:

— Жанг қилиб изладим баҳтли истиқбол,  
Қалбимда мавжланиб ўтли эҳтирос.  
Алангали йиллар тугаб беиқбол,  
Орзулар танамни кемирди холос.

Миллионларда ҳам эди шу туйгу,  
Аммо бўлаверди уқубат устун.  
Ғам-алам келтирган қаттол шумлар-ку,  
Машъумликка мазлум қадади кўксин.

Эрк дарсинг олай деб доҳий одамдан,  
Зулмат устунларин қулатмоқ учун,  
Не-не дополар ҳам ўтди оламдан,  
Хосе Марти каби кўрсатиб кучин...

Бил, Съера-Маэстра нажот маскани,  
Үнгирига ғаддор босолмас қадам.  
Юраги дов бермас қадам босгани,  
Ундаги истеҳком пухта, мустаҳкам.

Шу тоққа бор, ботир бўлгин, қизгинам,  
Ҳамшира бўл, жангчи бўлгин беқиёс.  
Эҳ, қанийди мадад берсам ўзгинам,  
Мен-чун ҳам қийрат сен ёвларни паққос...

Босай деб отамиңиг босмаган изин,  
Ҳақиқат ишқида жўнадим тоққа.  
Жанг-жадал бораракан бебош, бетизгин,  
Сафга кирдик биз ҳам ёвни қирмоққа.

Ўн олти ёшимда ҳамшира эдим,  
Даҳшатли жангларнинг бўлдим шоҳиди.  
Ёвларни қийратдик, кўп горат этдик,  
Жангчининг йўқ эди билсан ишуди...

Сонимиз юз минглаб қадар ўсганда,  
Мухолиф кетма-кет бўлди қўшмозор.  
Тамоми хасм қуш барбод эканда,  
Гавана ҳам муте эди беозор...

Эзгу туйғуларим кетмади изсиз,  
Зафарга эришдик, сурур умрбод.  
Муаззам ватаним шарафи тенгсиз,  
Она мулк эгаси бўлди одамзот.

Менга ҳам саодат бўлаолди ёр,  
Таълим ҳам, хизмат ҳам беролди ҳаёт.  
Мададкор бўлди мард йигит Салвадор,  
Естиқдош бўлдик сўнг, аввал эдик ёт...

Айт, Мальтада борми қавму-қариндош,  
Испания узра қавм, қондошларим?  
Бугун менга фақат кубалик жондош,  
Сизлар каби дўстлар — меҳрибонларим.

Маслаҳатим сенга, кетмагин зинҳор,  
Бизга насиб этган замон бебаҳо.  
Бунда ҳам миллату фарогатлар бор,  
Шунда кўзинг ёрсин, — бу чин муддао.

Майли, икки ҳалқ ҳам фарзандим десин,  
Қисматига битсин қўшалоқ иқбол.  
Наслнимиз мадҳ этар озодлик асрин,  
Ха, янги авлод юрт фарқламас алҳол.

Фақат униб-ўссин, бўлсин одамий,  
Курраи заминни дилга жо қилсин.  
Хотирин банд этсин мунис ҳалқ ғами,  
Замонин бекусур фарзанди бўлсин...

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

Мария сўзлари этдими таъсир,  
Фарида қолишни қилди ихтиер.  
Кўп ҳам ҳаялламай стганда бу «сир»,  
Ногоҳ Турсунбойга бўлди шодлик ёр.

Кубада туғилди янги бир одам,—  
Ўзбеклар фарзанди келди дунёга.  
Дил гавҳари ўсар осуда, кўркам,  
Турсунбой ҳовлиси тўлиб зиёга.

Турсунбой бепоён хаёл сургандা,  
Бехосдан келишди бир талай меҳмон.  
Фарида қувончдан кулиб турганда,  
Қувончларга шўнғиб кетганди мезбон.

Қутлашар ёронлар, ҳаммаси қувноқ,  
Бегубор гўдакни ардоқлаб бари.  
Тилашар иқболи бўлсин деб порлок,  
Улгайсин дейишар камолот сари...

Базм чоғи келди яна бир меҳмон,  
Уни дейишдилар Мигель Родригес.  
Бежирим қомату қўл тўла эҳсон,  
Хушчехра, хушодоб, эмасди ҳарис.

Ёқимтой ва нотиқ экан баркамол,  
Вазирликда экан сарбаланд хизмат.  
Фикрини сўзлади тугал, bemalol,  
Сўзида табригу тарих, тароват:

— Олис қисматларга ташласак назар,  
Биламиз ўтган не ёмонлик, зулмат.  
Йўқсил ютган экан қон ила заҳар,  
Куррайи заминни чулғаган кулфат.

Беш аср бурунги биргина мисол:  
Оломон даҳшатли жанг қилган чоғда,  
Бош сардор Атуэй<sup>1</sup> бўлмай хом хаёл,  
Озодлик байроғин кўтарган тоғда.

Жанна дАрк<sup>2</sup> каби жасур аёлин  
Деган Гуарина, — диловар оташ.  
Эъзозлагандан ул инсон ғурурин,  
Сарвар қилиб олган жами жафокаш.

<sup>1</sup> Атуэй — Хиндуларнинг бошлиғи; Гайти ва Кубада испав босқинчиларига қарши курашга раҳбарлик қилган. 1515 йили уни испандар оловда ёндирганилар.

<sup>2</sup> Жанна дАрк — француза халқининг миллий қарамони.

Она халқ өткөнгө әкән фидокор.  
Жанг қылған босқынчы испанга қарши.  
Құп һилдик курашда раҳбар ғазабкор.  
Қаҳрамон зотларнинг тинмаган марши.

Тақдирга тан берган азamat жантчи  
Хайиқмай ҳаётин әтолған құрбон.  
Васиятін айтған әкән чунончы  
Ҳатто Гуарина бераётіб жон:

«Розиман беришга бўлса минг бир жон,  
Фақат кўролмадим Кубани озод.  
Начора, сиз ёвга бермангиз омон,  
Кубани ҳур кўрсинг келгуси авлод...»

Жанговар сафдошлар этиб касамёд,  
Жанггоҳда синовдан ўтказған күчин.  
Муқаддас байробин тутиб барҳаёт,  
Олған әкән боплаб ёвлардан үчин...

Хуллас, ўлкамизнинг бўлдик султони,  
Фаҳр ила тўлди очиқ кўиглимиз,  
Ярим шарда биз ҳам тинчлик қўрғони,  
Минг шукур, тинч-омон ойдин йўлими.

Бир ажиб ҳолга ҳам беринг эътибор:  
Тиф ила келган ёв қирди, тўқди қон.  
Сизларчи, Турсунбой, — чиндан дўсту ёр,  
Кубага суюнчиқ бўлдингиз ҳар он.

Беадад кўмакдан яшнар юраклар,  
Бегараз ҳимматдан чоғ бўлди димоғ.  
Қадрдон шаънига шону шарафлар,  
Яшнасин ҳамдўстлик яратған боғ-роғ...

Ҳамдам бор, иноқлик мангуға бешак,  
Чақалоқ ҳам асли иноқлик рамзи.  
Дўстлар айтған эди ажиб бир истак:  
Гуарина бўлсин деганди исми.

Туғилди яна бир меҳрибон инсон,  
Улғайиб ҳурликни этар тарона.  
Гуарина каби аямасдан жон,  
Жаҳон уэра одим ташлар мардона.

Қутлайман Фарида, Турсунбой яна,  
Ер бұлаверсін баҳт, әгизак сурур.  
Яңғи замон қуриш, ният ягона,  
Муносиб наслимиз биносин қуур... —

Турсунбой дер: — Раҳмат, хүшнуд этдингиз.  
Бундан зиёда баҳт бўларми молик.  
Эҳтиром, ҳиммат-ла дил элитдингиз,  
Кубага ёғилсин нур ила шодлик.

Майли, Гуарина бўлса ҳам исми,  
Биз учун бу шараф, ифтихор демак.  
Бўлғай Куба ҳалқин содиқ фарзанди,  
Оқлагай бу буюк исмни бешак...

Фарида дер: — Кимки тополса қадрин,  
Файри эл демоқлик экан ноҳақлик.  
Шодлик ила юрсин тик тутиб қаддин,  
Парвозда бўлсин у гўзал бир каклик.

Гуарина етган ҳаёт қадрига,  
Кизим ҳам етар деб умид қпламан.  
Малҳам бўлсин дейман инсон дардига,  
Улрайиб қувнатсин, баҳтиң тилайман... —

\* \* \*

Олтинчи ёшига қўяркан қадам,  
Гуарина ўсар экан шод, қувноқ.  
Гўдак ёшида ҳам кўп ақл ҳамдам,  
Хаёлот қўйнида эди қизалоқ.

Мана, Гуарина ота ерида —  
Ўзбек оғушида этилар эъзоз.  
Куба, Америка қолди нарида.  
Аммо тасаввури дилда сарафroz;

— Дадажон, Тошкентга ўхшар Гавана,  
Ажратолмай қолдим, чиройли шаҳар.  
Қизиқ, бир-биридан фарқи йўқ яна,  
Гуллариям бирн-бирига ўхшар.

Үйлариям баланд, жудаям салқин,  
Дарахтларигаям суқим киради.  
Одамларин қаранг, ҳудди-чи түлқин,  
Хаммаси гурсиллаб, тез-тез юради.

Боғлари сап-салқин, ҳамма нарса бор:  
Отўйин, беланчак, арғимчоқлар кўп.  
Уйнайман деганга ҳаммаси тайёр,  
Ўзимга ўхшаган қизалоқлар кўп.

Қаранг, Кубада ҳам кўп эди тоғлар,  
Сувда чўмилмаган куним йўқ эди.  
Мана, Тошкентда ҳам кўп экан боғлар,  
Бир бола, бизда ҳам денгиз бор, деди.

Ўзбекистонда ҳам яшагим келар,  
Кубани ҳам жуда қўмсаб юрибман,  
Гавана боқчаси тушимга кирап,  
Ҳа, икки тилда ҳам сўзлаб юрибман.

Дадажон, Кубага қачон борамиз?  
Тушимга киради юрган жойларим.  
Ё бизга чақириб хат юборамиз,  
Меҳмонга келишсин ўртоқжонларим...

Турсунбой қизини эркалаб дейди:  
— Кубадан хат олдим, сени соғиниб,  
Кўп ҳам ҳаялламай келинглар, дебди,  
Борамиз дўстларга, биз ҳам соғиндик...

### Хотима

Гуарина тез-тез улғайган сари  
Куба оғушида бўлди неча бор.  
Қурдошлари билан бўлиб аксари,  
Ешлик гаштин сурди такрор ва такрор.

Ҳаловатин топган менинг асримда,  
Кундан-кун юксалар баҳтиёр одам.  
Гуарина каби мунис наслимда  
Яшар улуғ дўстлик туйғуси ҳар дам.

*Тошкент,  
1978—1985 йиллар.*

## УЗБЕКИСТОН ТУМАНИМ

(Етмиш ёш мадҳияси)

Иzzат-икром билан, туманимизнинг  
Ўзбекистон дея аталмиш номи.  
Ҳурмат бу, оширган шуҳратнимизни,  
Ватану вилоят бўлишгач ҳомий.

Қаранг, ана-мана дегунча бўлмай,  
Қутлуғ етмиш ёшга тўлибди диёр.  
Ҳаётбахш ривожин не деб таърифлай,  
Эканда азamat ҳалқим жоннисор?

Ҳай юртгинам, етмиш ёш, тўй муборак!  
Сиз марду майдонсиз, чиниқдан элим.  
Гуркираб ўсарсиз беғубор тилак,  
Ишончу қувончга тўлдириб дилим.

Сизлар менга азиз, мўътабар одам,  
Бошингиз магруру адл турган зот.  
Ҳавас қиласиз сизга жумлаи олам,  
Тинчлик салтанатин этган-чун бунёд.

Лекин юртим, оппоқ тонг отгунча то  
Саодат дегани бир хаёл эди.  
Охират даҳшати бўлгунча адо,  
Халойиқ қалбидан қон оққан эди.

Тўлиб-тошган фақир-ҳақир, гадолар,  
Ортган одамларнинг дарду алами.  
Минг бор фарёд чеккан баҳти қаролар  
Қўрқинч, таҳликанинг тинмай давоми.

Аэм айлабон келган минглаб қабоҳат,  
Кўнглида жамул-жам қора ниятда.  
Эслатар вандалу манқуртни минг бад,  
Мақсад, юртимизни талаш умидда.

Хире ила боққанлар, қымай иззатин  
Боболар, оталар, оналар жамин.  
Зуғум-ла олганлар мулку зийнатин,  
Тұлдырмоқ ниятда бойлигин камин.

Нигоҳ ташлагандим тарихга бир дам,  
Құксимиң күйдирди дилдаги охим.  
Қирон келған диәр әкан жаһаннам,  
Бу — Чингиз ис nodи, турғани вады.

Мұғилми, Форсийми, ким бўлса — барин  
Билгани, қилғани қотиллик яккаш.  
Бир хилда ирқчилик, тиклаб дорларин,  
Ниқобсиз осганлар, йўқ әкан аяш.

Вахм әкан кечмиш ҳақиқатда ҳам,  
Ҳатто миялатимни қилған қатағон.  
Йўқ қилмоқчи бўлған тилимизни ҳам,  
Қилмоқ-чун ўз тилин якто ҳукмрон.

Бора-бора эрку адолат дебон  
Бош қотирган бетин, ҳаммаси сохта.  
Зор қақшаб одамлар, яшаган ёмон,  
Гуноҳсизлар билан тўлган авахта.

Евуэга ёт әкан эзгулигу нур,  
Амалида фақат, ваҳшийлик, зулм.  
Халқ ғазаби тошган, йўқ әкан ҳузур,  
Кўз ўнгидаги турған бад ҳаёт, ўлим.

Тутқунлик қанчалар булса ҳам даҳшат,  
Элни асоратда кишинланса ҳам,  
Турмуш бўлса ҳамки анча машақкат,  
Халқим иродаси әкан мустаҳкам.

Чунки сиз қудратли Турон заминдан,  
Туркистан ўзбегин битта таянчи.  
Таълим олган соҳибқирон наслидан,  
Курашга отланган, ватан қувончи.

Боракалло сизга, қолмай ғафлатда,  
Вайрон айладингиз истибодод қасерин,  
Бас келиб кучингиз зулмга шартта,  
Олдингиз ҳам қўлга ҳаёт карвонин.

Замон кazzобидан чўчимай мутлоқ,  
Азобга дош берган довюрак элсиз.  
Тўфон ғазабин ҳам қилиб тумтароқ,  
Шоят яратгансиз иқлим ғанимсиз.

Тилин тишлиб қолгач ағёр, ҳунрезлар,  
Жон халқим осуда кўрди жаҳонни.  
Ишонч чечаклардан қувонди кўзлар,  
Қадрлаб, тақдирлаб ҳар бир инсонни.

Ха, чиркин тузумни этгансиз барбод,  
Бўлганча ҳаётда фидойи оқим.  
Сиз янгиликларга қўйинб эътиқод,  
Кулфатни қул қилган, виқорлик лозим.

Бўғзидан олингач кўнгли қаролар,  
Равон очилган эрк, адолат йўли.  
Эртароқ овумай ботир жўралар,  
Янчансиз маккорни, қолмайин «гўли».

Бу имкон раҳм-шафқат уйғотган қалбда,  
Хонадонда бўлиб ҳукмрон сурур,  
Қайғу чўккан уйлар қолмай албатта,  
Гулгун рўзгорларда қилишар ҳузур.

Сиз ҳаёт суури, жўшқин кайфият,  
Жасорат бобида ҳамиша тахт, шай.  
Ғам, хатарни писанд қилмайин албатта,  
Саодат жомин лим тўлдирган атай.

Битсин дея бизнинг каму кўстимиз,  
Турмуш бўлмасин деб аяччи, мунгли,  
Тасалли топмоғи учун кўнглимиз,  
Бошлагансиз улкан ишлар суюкли.

Қуёш нурин эмиб тўйган халқимсиз,  
Сўх сойин жиловлаб олган баҳодир.  
Комилчўл, Шайтонкўл йўқолиб изсиз,  
Қилгансиз чароғон, неъматин сочир.

Қолган дарё қолмай сизнинг назардан,  
Дош бериб азобга, чарчашни билмай,  
Чўчимай чўлу кўл, барханларидан,  
Кашф этгансиз боғи эрамдек чирой.

Ҳаёт бериб ўлук Үқчи даشتига,  
Боғ-роғ-ла очгансиз толе юзини.  
Невъматин тарқатиб кўлам жаҳонга,  
Олмоқдасиз тилу дилдан розини.

Сел омборин қуриб Қамиш бошидан,  
Қақириу Зинаша, Нурсух қишлоғин  
Асралингиз офат, харобалардан,  
Бешикаст ёндириб нурли чирогин.

Фарғона каналин ботирлар мисол,  
Қуриб донг таратган азаматларсиз.  
Жаҳон узра ҳамон шони бетимсол,  
Қойил қолмаган йўқ, тан олган баҳссиз.

Безаб пўрсиллаган замин жамолин,  
Ундиргансиз ризқ-рўз қалбнинг тафтида.  
Бой этиб диёрим қўри, бисотин.  
Уйгансиз мўл хирмон мухит кафтида.

Ҳа, сиз кўкрак кериб боққан жаҳонга,  
Яхшиликка буриб тақдирингизни.  
Шунқор сифат хизмат қилиб ватанга,  
Бахш этгансиз ҳурлик дастурингизни.

Бахтингизга бош-қош бўлгац даргалар:  
Бирин исми Бузрук Усмонхўжаев,  
Иллату ғанимга берган зарбалар,  
Фоздек юрсин дея сизни гердайиб.

Яна бири Расул ўғли Қодиржон,  
Биёбонга бурган сойнинг қулоғин.  
Измида эзгулик барқ уриб чунон,  
Қондирган башару жонзод чанқоғин.

Навбатдаги Пайғом ўғли Алижон,  
Хизматда қўллаган ҳақиқат йўлин.  
Мунаввар дилларни қилиб шодумон,  
Мардумга бахш этган толе йўриғин.

Қўп ўтган сардорлар, ҳурматда бари,  
Чақнаган уларнинг фикри ҳам сероб,  
Очилди ошиёним юксалган сари,  
Кўшган ҳиссалари экан беҳисоб.

Бор эли истиқбол йўлин танлаган,  
Улкан уфқларни забт этган ғолиб.  
Халқу авлод учун ёниб яшаган,  
Күчганича беқиёс зафардан қониб.

Ганибой, Үрмонжон, Шакаралилар,  
Жойлари жаннатда бўлсин, илоҳим.  
Фахримиз, улуғвор шундай сиймолар,  
Халқ толеи тўлсин деган лиммо-лим.

Бу улуғ сиймолар шогирдлари ҳам  
Борар, содик бўлиб, устоз изидан.  
Кам эмас журъату жасоратда ҳам.  
Асло чиқмай тузган аҳдин измидан.

Мана, Абдуқодир оддий бир сардор,  
Лекин шашти баланд, хизматда лочин.  
Халқин баҳт — омадин топиб беғубор,  
Мўл-кўл қилди экин майдон сарҳадин.

Меҳнат бўронида шунқор Солмонжон  
Зарб ҳам, панд ҳам берар ким эса айёр,  
Бошга солмай асло фироқу афғон,  
Барқ, чарх урган зафар қучишга тайёр,

Фидойи Юсуфжон тилларда достон,  
Бунёд этган учун бир қишлоқ кўркам.  
Чўлга киройи нур баҳш этган ўғлон,  
Беминнат саналур эларо ўқтам.

Қим тан олмас Ойша Йўлдошевани,  
Қойил, олтин юлдуз таққан Қаҳрамон.  
Томирида жўшқин оққанда қони,  
Кўзлаганди ёрқин манзилни чунон.

Иэдош бўлган қанча Ойша опага,  
Сизлар дала, қишлоқ, севги баҳори.  
Заранг ер дош бермас сизнинг ҳамлага,  
Қолмайин кунларнинг лайлу наҳори.

Қўшиқ бор, севги бор сизлар бор жойда,  
Отар қайноқ шавқу завқу ҳаяжон.  
Қанот боғлаб эзгу умидлар дилда,  
Васлга етмоқдия сархуш бўлар жон.

Сизлар менинг онам, онам, синглимсиз,  
Бизларга бергансиз руху тасалли.  
Виждон, иймон билан фарзанд бергансиз,  
Фарзандки, сарафroz чиққан аксари.

Исломов Мирзажон фарзанддан бирин,  
Хоким бўлиб тутди адолат йўлини.  
Дено ақлин тугал ишлатиб ҳали,  
Хизматда очунга кўп тегар нафи.

Ҳимматни аямай она юртидан,  
Ҳалқига ҳуррамлик, армуғон этар,  
Бахт-саодат холи бўлиб ғубордан,  
Соф нафас олсин дер сархуш бандалар.

Бонг урди санъатда яна бир фарзанд.  
Абдуқундуз ўғли Муҳаммадали,  
Санъатда кўзлаган манзили беҳад,  
Лавозимдир вазир ўринбосари.

Пўлдош Сулаймон-чи, етиб камоли,  
Талай роман, қисса, ашъорлар ёзган.  
Барқ уриб ижодда диёр жамоли,  
Водийнинг жилвасин жўшиб куйлаган...

Алиб Худойберди Тўхтабой ўғли,  
Ҳалқ ёзувчиси ул, таҳсинга лойиқ.  
Ёзган асарлари бебаҳо, нурли,  
Мадҳига тан берган жумла ҳалоиқ...

Яна ҳам бир талай қаламкашлар бор.  
Ёзган асарлари рух берган сизга.  
Ҳалқим бахтии куйлаб битилган ёр-ёр,  
Ҳали-ҳали завқу шавқ берар дилга.

Ривожда пурзиё мактаб-маориф,  
Хушахлоқ Маҳмудов Абдуфаттоҳ бош.  
Иигирма йилки илм толиби ғолиб,  
Маърифатда ҳамон ёшларга йўлдош.

Ўғлингиз Акромжон бўлганда ҳоким,  
Башарни чорлаган фарованиеликка.  
Порлоқ орзулар қилган бетиним,  
Она диёр етсии дея тилакка.

Қурувчи Валижон Мухторов ҳоким,  
Ишлар, тилар халқын бахту иқболин.  
Умид ила тузган янгича тузум,  
Бешак ясантирса сўлим диёрин.

Қурсак кошоналар, саркашлиқ қилмай,  
Ажиб бир тұхфамиз бўлар очунга.  
Сурур қылсин халқым жафони билмай,  
Охир оқибат жой қолмай армонга.

Хулласи шу юртнинг мақтови бисёр,  
Она юртим сўлим, беқиёс кўркам.  
Қуриш, ўсиш қалбда туғдирар виқор,  
Ҳар бирингиз бўлгач ишда мардонам.

Киндиқ қон тўқилган тупроғимизда  
Улкан юксалишга солинган асос,  
Гултожликка лозим Фарғонамизда,  
Мустақил Ватаним ўсишига мос...

Энди истибдоднинг кўчалари берк,  
Ҳур замонам таронаси бизники.  
Тафти сўнмас мангу ватан берган эрк,  
Саодат, фароғат — бари бизники.

Мен ҳам бир камтарин фарзандингизман,  
Дилимда жо-бажо юртим номуси.  
Доим порлоқ умид домида бандман,  
Таъзим-ла топширмоқ учун ижросин.

Мен учун пандингиз муқаддас вафо,  
Иймон амри-бурчни вожиб қилсам бас.  
Ҳеч сўзсиэ жонимдир ватанга фидо,  
Иқбол топган эсам, бошқаси абас...

Бахтимиз, Нўъмонжон Мўминов ҳоким,  
Аминман, вилоят ундан нафъ кўрар.  
Халқ ила ҳамнафас бўлганча доим,  
Истиқлол сари йўл-йўриқ тузар.

Матлаби бор унинг элу элатдан,  
Юксалса вилоят ўсиб сарба-сар.  
Иқболин топса дер одамлар чиндан,  
Яшаш тараи ўтса мисоли баҳор...

Келинг, воз кечайлик мубҳам хаёлдан,  
Соз, авло экан-да ҳаёт боғлари.  
Яшанг зафар қучиб меҳнату фанда,  
Сўнмайин сиз халқим вақтчоғликлари.

Етмиш ёшни уланг юз йилликларга,  
Бўстон қилиб дашту саҳроларгача.  
Мустақиллик нури жой олган дилга,  
Еғилсин то ҳидоят нуригача.

Гулласин ҳурликка ошно маконим,  
Қувончу алам-ла юрт қайтган чоғда.  
Кўнгил тўқ, ардоқлар улуғ сарбоним,  
Сиз, азизларимни қолдирмай доғда!..

20.X.1997 йил.

## ТҮРТ ЮЗ ТУРТЛИК

\* \* \*

Диёрим, менга бахт армуғон этдинг,  
Дилимни беминнат қароғон этдинг.  
Тарк этгач зиёну ёввойш фифон,  
Илму-маърифатга қароғбон этдинг.

\* \* \*

Ораста юртимда иноқлик яхши,  
Иноқлик бор юртда қувноқлик яхши.  
Истиқлол берган зўр насибамиз бу,  
Мағрур давру даврон сурмоқлик яхши!

\* \* \*

Умид боғлаб ҳалқим келажак эркка,  
Ғайри тузумга эид чиқолди тикка.  
Истиқлол нуридан бўлиб баҳраманд,  
Музаффар туғдорим элтти ҳурликка!

\* \* \*

Энди йўқ эсимни оздирган кунлар,  
Бошимга ғам-алам ёғдириған кунлар.  
Чил-чил бўлиб кетди балою қазо  
Жоҳил каби дилни оғритған кунлар.

\* \* \*

Минг шукур, қул бўлмас қутлуғ ошёним,  
Ғам-алам чекмас ҳону жаҳоним.

Тиколмас ғанимлар шұхратин тақрор,  
Таъзимим қабул эт, суюқ сарбоним.

\* \* \*

Гулла, ҳурликни забт этган ватаним,  
Нұқболинг ёр бұлсın, тасаддуқ жоним.  
Қувончу алам-ла ишқ қайтди танга,  
Сенға чек ташланған, үзинг паноҳим.

\* \* \*

Чарағон үлкамда топған баҳтим бор,  
Мустажоб әтилған сулуғ таҳтим бор.  
Алам чүғи әнди олмас алана,  
Баҳш этган эрк қүрін үчмас тафти бор.

\* \* \*

Ноēб, ажиб қасринг үзингда өғи,  
Хұй әлим, оқмагай күзинг селоби.  
Фироқ ўти бошға түшмасин тақрор,  
Ювилиб кетганды күнгилнинг дөғи.

\* \* \*

Ватан, гумроҳларға бўлиб раҳнамо,  
Ожиз, заифга ҳам баҳш этдинг оро.  
Нурли тонг нақш этиб дилларға бекам,  
Эрк, ризқ ҳам беролған үзингсан танҳо!

\* \* \*

Тарқ этма юртингни токи жонинг бор,  
Юртингда беминнат бутун нонинг бор.  
Қабоқат етмасин юрт тупроғига,  
Юртингда тўкилған киндик қонинг бор.

\* \* \*

Истиқлол, жаҳаннам қаъридан олиб  
Үйғотдинг күнглимга янги күй солиб.  
Нурсиз биёбонлар қолиб олисда,  
Күйлайман фифонсиз оҳангда, ғолиб.

\* \* \*

Муз юрак бўлмоққа энди асос йўқ,  
Иzzатим бор, алам-ғамга асос йўқ.  
Машҳур бўлиб кетди ватан шуҳрати,  
Билсин ғаним, фасод-қинга асос йўқ.

\* \* \*

Ватаң, эрклик йўлинг гўзал зиёда,  
Толе йўлин очган сенсан дунёда.  
Сен борсану бордир инсоний тенглиқ,  
Қувонч, севги бордир ҳар кун ҳар жонда.

\* \* \*

Юртим ўзбекона созу куйга бой,  
Ҳар одими зебу, бекиёс чирой.  
Кимнинг ортмас дейсиз шавқу завқи ҳам,  
Оҳ, сажда қилсам оз, бўлай хокипой!

\* \* \*

Ватан озод, ҳалқим хўпам севинган,  
Нафис лабларга ҳам кулгилар инган.  
Гурунгда гап қизиб, жом айланганда,  
Нотиқлар истиқлол меҳридан қонган.

\* \* \*

Она юрт, орзулар сенда устивор,  
Қудратинг, химматинг беминнат, ошкор.

Бир-бировга ёвлик сенда бегона,  
Үзингсан эл севгап жонажон диёр!

\* \* \*

Мустақил ватаним ғамнок қымагай,  
Шодлигим анжоми чил-чил синмагай.  
Оллоҳим, умримнинг асоси маҳкам,  
Шу баҳтдан юрагим маҳрум бўлмагай!

\* \* \*

Миллатнинг — иззатинг, воз кечма ҳеч чоғ,  
Миллат ҳурматини қозонгин кўпроқ.  
Миллатнинг етказар сени уфқларга,  
Турмуш тарзнинг бўлар кулфатдан йироқ.

\* \* \*

Ошёнимда оппоқ тонг отгунча то,  
Охират даҳшати бўлмаган адo.  
Саодат дегани бир хаёл эди,  
Қон оққан қалбимга топилмай даво.

\* \* \*

Жонингдан безсанг ҳам, элингдан безма,  
Сўнг изтироб ила элма-эл кезма.  
Билки, ўзга эллар сенга эл бўлмас,  
Эл ила бўлгин соз, ўзингни эзма!

\* \* \*

Кимки тонар бўлса ичган тузидан,  
Шира кетган бўлур унинг сўзидан.  
Кимки ношукурлик этса дамодам,  
Бездиргай элин ҳам охир ўзидан.

\* \* \*

Қишлоқ деб, шаҳар деб фарқламанг, дўстлар,  
Наслу шажарани шарҳламанг, дўстлар,  
Аҳли одам иқбол топган диёрда,  
Адоват қиличин қайраманг, дўстлар,

\* \* \*

Дўстликшинг яқину йироғи бўлмас,  
Бирорвоннинг бирорвонга фироғи бўлмас.  
Дўстлик ришталари мустаҳкамланса,  
Меҳр булоғининг адоги бўлмас.

\* \* \*

Дўстгинам, соғ бўлса агар иймонинг,  
Ҳеч қачон азобда қолмас виждоннинг.  
Иймон туғин тутсанг юксак ҳамда пок,  
Бахтнинг пок, қонинг пок, чиқмас фифонинг.

\* \* \*

Иноқ бўлса дўстлар, кулфат қувилгай,  
Иноқлик бор юртда, офат қувилгай.  
Ҳоли бўлур ҳаёт касофатлардан,  
Бор бўлур муқимлик, ғурбат қувилгай.

\* \* \*

Асл дўст одати шудир бегумон:  
Нуқсоннинг юзингга айтар кўрган он.  
Пўлидан озганга ҳақ сўзни айтар  
Бегараз, оқкўнгил, виждонли инсон.

\* \* \*

Миллатлар англашса қалбан бир-бирин,  
Оширур эдилар дўстлик қудратин.

Бу құдрат рүшнолик бериб жағонга,  
Намойиш қиласын тинчлик неъматин.

\* \* \*

Дүстинг билан сирдош бўлсанг яхшику,  
Ҳар ишида қўлдош бўлсанг яхшику.  
Бошинг ёлғиз, ошинг тузсиз қолмайин,  
Фидоликда йўлдош бўлсанг яхшику.

\* \* \*

Эй дўстим, турмушнинг савдолари кўп,  
Талабчан ҳаётнинг даъволари кўп.  
Ҳаётда ҳар кун ҳам байрам эмасдир,  
Бошга бало бўлган ғавғолари кўп.

\* \* \*

Йўлдош ёмон эса, ёв бўлур охир,  
Ҳар иш, ҳар қадамда гов бўлур охир.  
Ғафлат тузогидан чекинмасанг-чи,  
Юртингданам сени гум қилур охир.

\* \* \*

Дўстим эди бурун соддадил одам,  
Ҳавасим келарди, ҳушчақчақ ҳар дам.  
Мансабга минди-ю айниди бирдан,  
Ранжитди ёронлар қалбин дамба-дам.

\* \* \*

Дўст бошга қарайди, душман оёққа,  
Келиб-кетишингни билгин қаёққа.  
Жабр қилмай яша ўзга жонига,  
Назар сол, ибрат ол қувнаб ҳар ёққа.

\* \* \*

Яшаса гар элда дўстлик, муҳаббат,  
Бир-бировга ортар меҳру оқибат.  
Эл-элатчиликнинг қиммати ортиб,  
Илдиҳотиб борар фазилат, ибрат.

\* \* \*

Жаҳон кездим, топдим бир олам хабар:  
Элатлар яшаркан ўтроқ, дарбадар.  
Аҳли дўстлар ҳам бор, ғирромлар ҳам бор,  
Кўрдим яхшилик ҳам, кўрдим ҳам хатар.

\* \* \*

Икки хилми дедим одам боласин:  
Кўрдим одилларин, кўрдим оласин.  
Бахиллари бордир, сахийлар бордир.  
Аҳли дониш аро топдим сарасин.

\* \* \*

Хотиржам бўлмоққа ишончимиэ йўқ,  
Ғаним бор жаҳонда, кўнгил эмас тўқ.  
Оғизда дўстликни ваъда қиласа ҳам,  
Амалда ошкора отаверар ўқ...

\* \* \*

Уруш қиз, бойийсан деган мулкдор бор,  
Қурол сотар, олтин йигишар бисёр.  
«Ҳонавайрон қилдинг авом шўрликни»,  
Десанг, дейди: «Менинг маифаатим бор!»

\* \* \*

Нафси ғолиб давлат урушни бошлар,  
Лак-лак лашкарларин жанггоҳга ташлар.

Писанд қилмай ўзга давлат шавкатин,  
Бисотини талон қиласар, талашар.

\* \* \*

Пеш қилиб динни, ёв сурон қилади,  
Гажишиб бир-бирин, қирон қилади.  
На дин, на шарнат сиёғида бор,  
Сўлим диёрларни вайрон қилади.

\* \* \*

Вафо — бу инсонга Оллоҳ нуридир,  
Вафодор — иймонли элнинг ҳуридир.  
Елғон, бўхтон, гийбат унга бегона,  
Вафо — турмушнинг ҳам ноёб дуридир.

\* \* \*

Сенда гар бор эса иймон, муруват,  
Сенсан саховатли соҳиби ибрат.  
Мустаҳкам ироданг неъмат яратса,  
Шу улуғворликдан топарсан шуҳрат.

\* \* \*

Кўпикка ўхшайди ясанган олам,  
Татисанг билурсан, маза-матра кам.  
Мазаммат қилмадим олам шаънига,  
Англар фикрим мағзин ғам чеккан одам.

\* \* \*

Адолатли эсанг, ортар сифатинг,  
Бахш этар тотувлик, Оллоҳ шуъласи.  
Гар бўлса адолат тузуми пойдор,  
Хузур-ҳаловатнинг сўнмас нашъаси.

\* \* \*

Бадкор кимсалар бор, бузар замонни,  
Ҳаром-ҳариш ишга тузар низомни.  
Ҳалоллик ҳам ўтар тушда кўргандек,  
Шўрин қуригач оқ кўнгил авомнинг.

\* \* \*

Нақадар ваҳшатли ғалвали олам,  
Оромин йўқотса мўътабар одам.  
Жанг жадаллар ҳам хароб қиласа бот,  
Замин, замон узра сўнмаса аласа.

\* \* \*

Икки халқ давлати урушса — ёмои,  
Бешафқат бўлишиб, тўкишади қон.  
Ибрат сози кетгач халқлар фаҳмидан,  
Обод ватанларни қилишар вайрон.

\* \* \*

Ҳукмрои эса фусса, қайди рўшнолик?  
Бахт сўзи алдов, авж олга расволик.  
Адолат дегани ҳавоин бир гап,  
Ҳаётда ҳукмрон бўлса шайтонлик.

\* \* \*

Шахматдек муракаб турмуш ўйини,  
Кимда-ким бой берса топмас ўйини.  
Шахматку тахтада қолиб кетади,  
Ҳаётда адашган топмас йўлини.

\* \* \*

Ҳаётда йўл топки, ул бўлсин равон,  
Тошлиарга қоқилиб дард чекмасин жон.

Хаёт ҳам сен чеккан оҳдан чекар оҳ,  
Чунки сен хаётга фарзандсан, инсон!

\* \* \*

Умр тарозингда тортиқ қимматинг,  
Қимматли эрурсан, бўлса ҳимматинг.  
Тош босса агарда халққа хизматинг, —  
Эл ичра улуғдир доим иззатинг.

\* \* \*

Бахту иқболинга тадбир эт ўзинг,  
Наққошдай бенуқсон таҳрир эт ўзинг.  
Ҳолинг маромидан четлашимай билло,  
Ҳаётинг бетакрор тафсир эт ўзинг.

\* \* \*

Сақланайин десанг бало-қазодан,  
Таълим ол доно-ю ақли расодан:  
Ер бўлади шунда бахту саодат,  
Ҳам халос бўлурсан ғамдан, гавғодан.

\* \* \*

Ақллилар минмас жаҳл отига,  
Доғ туширмас, биллоҳ, асил зотига.  
Эзгулик юзинга оёғин қўймас,  
Қолмагай ҳеч халқнинг маломатига.

\* \* \*

Ақл йўлдош эрур одамга доим,  
Ақл йўлдош эса, феъл ҳам мулойим.  
Ғанимдир жаҳолат ақлка, билсанг,  
Жаҳолат бор жойда қиёмат-қойим.

\* \* \*

Аччиғу чучукни турмушингдан топ,  
Феълингдан, тилингдан, қилмишингдан топ.  
Элдан иолима сен баҳтим кемтиқ деб,  
Хаёт жумбоқларин ечишингдан топ.

\* \* \*

Не спир тутунларин еча олсанг ҳам,  
Бу ишиңгга қойил қолса ҳам олам,  
Фурур күчасига қадам қўймагин,  
Шан илдизим бўлсин десанг мустаҳкам.

\* \* \*

Инсон курашади, билса эрк таъмни,  
Эрки ёр инсон ер дунёниг ғамин.  
Кураш дея орзу боғларкан қанот,  
Асли орзу билан яшарар замин.

\* \* \*

Чор тарафдан воқиф эса ким тезроқ,  
Шайтон расволигин англардия тезроқ.  
Бир умр жабрга тушмайин гаров,  
Ноил бўларди баҳт, иқболга тезроқ.

\* \* \*

Бугун-эрта ҳам бор яхши-ёмонлик,  
Адолат-адоват бор, бор гумонлик.  
Бу дунёдан ором кутмоқ амр маҳол,  
Ўзаро қувилмас экан шайтонлик.

\* \* \*

Қудурат иллати ноқис, шарманда,  
Ғанимлик қўзғатар соғдил одамда.

Эл-юртдан ўчириб тинчлик садосин,  
Жанг-жадал чиқарар улкан оламда.

\* \* \*

Жағаннам нафаси уфурар ҳали,  
Одамзот ташвишда, мушт дағдагали.  
Кураш ила маҳв бўлмагунча то,  
Гаддор уруш қилар ҳам ваҳимали.

\* \* \*

Ҳали ҳам қайдадир бор дору ғовлар,  
Қонсираган зулматталаб шарпалар.  
Шундандир тинчимас олам сергалва,  
Жўш уру зулмга бергин зарбалар.

\* \* \*

Ташвиш бўлмас асли яхши-ёмонсиз,  
Қаранг, бири соғдил, бири виждонсиз.  
Чалишар шодлигу жаҳолат созин,  
Бири ёқимли, лек бири ёқимсиз.

\* \* \*

Молпарастликка ким берилса агар,  
Халқ бошига солар бир олам хатар.  
Гугурт чақар низо ҳашагига ул,  
Кучайтиб жанжаллар гулханин баттар.

\* \* \*

Тупроқни яларкан авайлаб илон,  
Кўрдиму ёқамни ушладим ҳайрон.  
Ерни топтаган сен, эй нодон инсон,  
Илондан сабоқ ол, келтириб иймон!

\* \* \*

Не бўлар эртамиз, ўйлаймиз бугун,  
Түғилар бир олам жумбогу тугун.  
Бунда қувонч, андуҳ ташвишлари бор,  
Толеда бўлмасин жанг, олов, тутун.

\* \* \*

Одам заволидир хўрлик, ҳақорат,  
Ўсал сўздан қолур мунгли асорат.  
Нописанд бўлса ким ҳалқига агар,  
Омон қолмас асло ундаи касофат.

\* \* \*

Нодон ила бўлсанг ҳамнишин, ҳамдам,  
Халқинг нафин кўзлаб босмассан қадам.  
Эҳ, менсимай олам-жаҳоннинг ғамин,  
Ўзинг ҳам хор бўлиб яшарсан ҳар дам.

\* \* \*

Илфоқликдан кетар доим баракат,  
Минг уринма, нафсиз кетар ҳаракат.  
Дилга солиб ғоят маҳзунлик ҳар дам,  
Ҳаётни ёритмай, тун қилар фақат.

\* \* \*

Кимки бадфеъл эса, хулқи ҳам ёмон,  
Тинчлик кутмас ундан жумлайи жаҳон.  
Қайғусиз роҳат ҳам ўнгѓа бегона,  
Ноҳақ қилмоқ истар оламни вайрон.

\* \* \*

Очкўз, таъмагир зот даҳшатли оғат,  
Нуқсон қурсин, бошга солар фалокат.

Ён берсанг чиқарар жангу жадаллар,  
Ошингга ҳам оғу солар касофат.

\* \* \*

Ҳаётнинг офати — алам, надомат,  
Озор берар бетин, қилар маломат.  
Зору ночор бўлмай десанг то абал,  
Зоти мунофиқ бор, қилма хушомад.

\* \* \*

Одамлик сиёқин йўқотса одам,  
Ҳеч қачон, ҳеч кимга бўлолмас ҳамдам.  
Озор бериб, дилни вайрон қиласди,  
Шаксиз, бошга солар қайғу, алам, ғам.

\* \* \*

Адоват мавжланса дилингда агар,  
Тилингга зўр бериб, бўларсан қайсар.  
Гурур касофати олар домига,  
Қалбингда фисқ-фужур авж олар баттар.

\* \* \*

Ўз айбин тан олмас қаллоб, нобакор.  
Қабиҳ қилмишидан керилар ошкор.  
Уят, номус эса ундан бегона,  
Эл-юртини талаб, беради озор.

\* \* \*

Яхши-ю ёмондан бўлмасанг огоҳ,  
Үнгмас ишинг, мулзам бўларсан ногоҳ.  
Камолат етмаса фаҳмингда, афсус,  
Яшарсан сўқирдек, минг урмагин оҳ.

\* \* \*

Етмас эса ақлу фаросат агар,  
Омад боқмас, ундан қочади башар.  
Умри ўтар мавҳум, беҳосил бўлиб,  
Етолмай муродга, топади хатар.

\* \* \*

Бешафқат турмушни қилмай имтиҳон,  
Ўзига кўп бино қўймоқлик ёмон.  
Йўқ эса фаҳмида ибрат зиёси,  
Бебошлиқдан охир топади зиён.

\* \* \*

Нечун эл этмади ҳимоят сенга?  
Ҳаддан ошдинг, боқмас адолат сенга.  
Тегмай ўтар нафинг элинг корига,  
Насиб этмас энди ҳидоят сенга!

\* \* \*

Порахўр-ҳаромхўр, ўгри-ю каззоб,—  
Бариси бир гўру, қилмиши нобоб,  
Талашар дунёни ит-мушук бўлиб,  
Токи давлати ҳам бўлгунча хароб.

\* \* \*

Фосиқ бўлма, нигуи бўлмайин десанг.  
Суюк бўл, беҳуда юрмайин десанг.  
Ситиб боғла белга ғайрат камарин,  
Камтар бўл, паймонам тўлмасин десанг.

\* \* \*

Қўза ҳар кун эмас, бир кун синади,  
Бу ҳолни донолар минг бор синади.

Үз умрингга ўзинг посбон бўлмасанг,  
Ҳаёт қўзанг бирдан четнаб синади.

\* \* \*

Жоҳил аҳли аро бўлса улфатинг,  
Бу хилдек улфатдан ортар кулфатинг.  
Азиз ҳаётинг ҳам ўтиб беҳосил,  
Үз умрингни адо этар ғурбатинг.

\* \* \*

Шошиб қилганингда бирор ҳаракат,  
Умрингдан, ризқингдан кетар баракат.  
Мантиқсиз қилмишдан панд еб охири,  
Бошингга соларсан беҳад фалокат.

\* \* \*

Хизматда бўлмаса тартиб, интизом,  
Алҳазар, бузилар нуқтаи низом.  
Дил шодлиги қайда, дард чекар виждон,  
Бу иллат балодир, олар интиқом.

\* \* \*

Кимсада туғилса ғаразли туйғу,  
Тузоғига олар уни ҳам қутқу,  
Қутқу — бешафқат-ку, ҳам қилар бошни,  
Билсангиз, баридан даҳшатлиси шу.

\* \* \*

Алдамчи оздирса ҳақ йўлдан сени,  
Ситамдан бўлак ҳам топарсан иени?  
Адашмай, улоқмай юрай десанг тик,  
Ҳақ йўлда ишлатгин ёруғ зеҳнни.

\* \* \*

Йүқотсанг идрокинг қадру қимматин,  
Бир умр кўрарсан ёмон иллатин.  
Алақлаб яшарсан иқболдан йироқ,  
То абад пайқамай ақлнинг хислатин.

\* \* \*

Мардум, тирикчилик эмас ўйинчоқ,  
Занжирли чорраҳа, учар ҳам олчоқ.  
Турмуш тарзим бўлсин десанг беозор,  
Панд емай, олам қасридан ол сабоқ.

\* \* \*

Донолар демишки, ўтники — ўтга,  
Яна демишларки, сувники — сувга.  
Ёнга қолар эмиш қатиқнинг пули,  
Шуниси соз, сени солмас андуҳга.

\* \* \*

Асрорин асраса дилида киши,  
Хавф-хатардан холи бўлур турмуши.  
Ҳаёт уммонида беғубор яшар,  
Замину замонда ҳур бўлур иши.

\* \* \*

Тинч битир ишнингни, чиқармасдан жанг,  
Руҳинг тетик, ишда қочмагай мазанг.  
Тил топиб яшасанг рақиб билан ҳам,  
Сулҳ тузарсан одил, бўлмайин тажанг.

\* \* \*

Санамасдан саккиз дема, эй нодон,  
Турмушнинг сабоги срда бир жаҳон.

Татиб кўргин обдон аччиқ-чучигин,  
Фаҳминг етса агар, ушалар армон.

\* \* \*

Хў фарзанд, ён берма ағёрга ҳечам,  
Чалғисанг-чи, тинмас кўзинг ёши ҳам.  
Faфлат тузогига илинмасанг-чи,  
Аминман, ҳечам сен чекмагайсан ғам.

\* \* \*

Субутсиз — нопокдир, эътиқод бўлмас,  
Ёлғончига мойил, эътимод бўлмас.  
Тарк этгач кўнглини ҳаё-андиша,  
Риёкор, маккордан эҳтиёт бўлмас.

\* \* \*

Фаҳму фаросатинг бўлмаса агар,  
Ҳатто чумоли ҳам солади заҳар.  
Ақлу ҳикмат ила йўлинг топмасанг,  
Еб-ичганинг бўлар заҳардан баттар.

\* \* \*

Сувларда балиқлар сакраб дамба-дам,  
Бахш этар дилларга ҳушвақтлик ҳар дам.  
Лек инсонни зулмкор наҳанг мисоли  
Ноҳақдан жабрлар бадкирдор одам.

\* \* \*

Заҳар-заққум ила ютирганда ион,  
Дилхун мискин бешак кўтарар исён.  
Чок-чокидан сўкиб адоват қасрин,  
Хиёнатни қилас ер билан яксон.

\* \* \*

Гапдан гап чиқады, ўйлаб гапиргин,  
Мантиқсиз гап-сўздан тилингни тийгин.  
Шуурсиз гап солар иифоқлик, ғавғо,  
Кўп тингламоқ тузук, доим кам дегин.

\* \* \*

Жаҳаннамдек азим бу кўхна олам,  
Түғдирган беҳисоб дилларда алам.  
Фарёд, нола, аза билан лиммо-лим,  
Ҳали ҳам сўнмаган ғурбат ила ғам.

\* \* \*

Оғу солар ғаним сўзин заҳридан,  
Азоб чекар дил бадхулқнинг қаҳридан.  
Жафо чекмай кўпам мазамматидан,  
Қабиҳ борки, ўтгин жами баҳридан.

\* \* \*

Хўрланган эл шимиб асорат заҳрин,  
Беҳудуд оширгай қасосли қаҳрин.  
Қонунин ҳам писанд қилмайин охир,  
Вайрон этар золим ҳукмдор қасрин.

\* \* \*

Ғалаба қил, фарёд чиқмасин кўкка,  
Баҳодир, зиён ҳам етмасин кўпга.  
Ким эса бейўриқ, тортсин жазосин,  
Насиб этсин пурли ҳаёт шўрликка.

\* \* \*

Қўл югурдак эса, ошингга етар,  
Тил югурдак эса, бошингга етар.

**Жароҳат этувчи валдироқ зсанг,  
Захар тил—ёв, сенга офат келтирап.**

\* \* \*

**Ёлғончи рост мисол сўзлаши ёмон,  
Чин сўзни ёлғон-ла булғаши ёмон.  
Унинг ёлғонлари заҳардан баттар,  
Тилини ёлғон-ла чулғаши ёмон.**

\* \* \*

**Беномус чақимчи адоват қўзғар.  
Ҳабиблар аро ҳам маломат қўзғар,  
Бу хил ҳаёсиздан ҳазар қилингиз,  
Йўқса ноҳақ гапдан жаҳолат қўзғар.**

\* \* \*

**Ғаним эса фосиқ, азобинг ошар,  
Хизматинг кўролмай, фитнага шошар.  
Иймонсизда бўлмас ҳаё-андиша,  
Ғавро чиқармоққа қуюндек тошар.**

\* \* \*

**Хусумат қиларкан ноҳақдан айёр,  
Азм айлаб, ҳиёнат қилишга тайёр.  
Топтаб ўзгаларнинг номус-орини,  
Халқ нафратига дуч келар у ағёр.**

\* \* \*

**Жанжалкашни дерлар дўзахи одам,  
Безор қилар элу-юртинг дамба-дам.  
Унга ёт хуррамлик, аччиқ ҳақиқат,  
Ғамхона бўлса бас жумлайи олам.**

Сирдошдек күринар сиртдан қарасанг,  
Миннат қымай унга меҳрингни қўйсанг,  
Айёр зидан ғусса соларкан бошга,  
Қилмишидир унинг қабиҳлик, найранг.

Кўрс одамни одам демаслар асли,  
Ул эрур дилозор, бедаво асли.  
Ношукур, кўрнамак, бадхулқ ва нобоп,  
Бефайзу бадаҳлоқ хор бўлур асли.

Мунофиққа айтма сирли сўзингни,  
Дил танг бўлиб сўнг саргайтма юзингни.  
Минг авайла, унда бўлмас оқибат,  
Надомат чектирмай яша ўзингни.

\* \* \*

Кимнингки одати эса дағаллик,  
Дағални демаслар асли ақллик.  
Панду карам ҳайфдир қусурли зотга,  
Чунки яхшиликка қилар ёмонлик.

\* \* \*

Шуҳрат—омонат-ку, қул бўлган қанча,  
Доғда қолдирган жабр-жафоси қанча.  
Инсонлик турқини йўқотиб охир,  
Нотавон, бейимон юргани қанча.

\* \* \*

Шаклан иккимиз ҳам бир тенгқур одам,  
Лек сен амалдор, мен камтарин ҳамдам.

Менку даврон элим билан бир жонман,  
Сенчи, манман, элга чектирдинг ситам.

\* \* \*

Ақлинг олса құрслык, худбинлик күпроқ,  
Сен ҳаёт жумбогин ечишдан узоқ.  
Бу ожизлик—хатар, енғар идрокинг,  
Умринг ўтар маъно кайфидан йироқ.

\* \* \*

Хожатинг чиқармас лафзсиз ваъдабоз,  
Уялмай лофт урар мисли найрангбоз.  
Муруватдан олис ноқислигидан,  
Таъқиб этар камол аҳлин лўттибоз.

\* \* \*

Сахийлик лофини урса ҳам олчоқ,  
Фақирга муруват қилишдан узоқ.  
Бил, фаҳмин забт этиб бойлик балоси,  
Ақлин олган унинг ганж қўйган тузоқ.

\* \* \*

Қушлар учар кўкда кериб бағрини,  
Замин сир-асорорин англаб барини.  
Афсус, одамлар бор қушдан ҳам ожиз,  
Кўролмас ўзидан сал-пал нарини.

\* \* \*

Ҳаромга қўл урсанг, ҳароб бўлганинг,  
Ҳалолдан бебаҳра, сароб бўлганинг,  
Ҳаром касофати ақлинг пардалар,  
Кечиксанг нафи йўқ, азоб бўлганинг.

\* \* \*

Алқисса, раҳбардан күп нарса лозим,  
Қалтис тугунни ҳам ечар лавозим.  
Ажрим қылгач ҳақу иохақлик фарқин,  
Режа тузар раҳбар ила мулозим.

\* \* \*

Раҳбарликка күплаб келиб-кетган бор,  
Бири яхши, хушфеъл, биридири почор,  
Бири эди закий, улуғ донишманд,  
Бири ғаним, ғоят бадфеълли ағәр.

\* \* \*

Асли амалдорлик донога лойиқ,  
Гоҳ бўлгай амалдор нодон-нолойиқ:  
Кину адсоват-ла етказар озор,  
Дарғазаб бўлгунча жами ҳалойиқ.

\* \* \*

Амалда турмоқлик бўлса муддао,  
Идрокинг ҳамроҳинг бўлсин доимо.  
Хизматинг, шавкатинг, ҳамда ибратинг  
Қиласи сени ғоят суюк, мусаффо.

\* \* \*

Амалдор, вақтинча топсанг ҳам зафар,  
Кеккайма келмас деб менга хавф-хатар.  
Сендеқ келганлару, кетганлар бисёр,  
Кетишга сенинг ҳам навбатинг етар.

\* \* \*

Амалдор бўлсанг—бўл камтарин, ноёб,  
Халқинг десин сени beminiyat arbob.

Фидолик бурчнгдан чекинма эниҳор,  
Умринг нарвонида бўлгин ҳаммабон.

\* \* \*

Руҳингга синголса раҳбарнинг диди,  
Ҳидоят сеҳридан сўзлагай тили.  
Ҳикматин кўрсатур шодмон, бегумон,  
Меҳр ирмоғидан ийганча дили.

\* \* \*

Раҳбар, эл мақтаса, ўздин кетмагин,  
Аччиқ айтса ҳам, ҳақ сўздин кечмагин.  
Ҳақнинг тагин билсанг, сенинг иқболинг,  
Иқбол бутки, нохуш сўздан айтмагин.

\* \* \*

Эътибор эт, раҳбар, ҳаққониятга,  
Очиқ эшик бўлгин ҳақгўй ниятга.  
Сенга йўлдош эса яхши фазилат,  
Қутлуқ иш-ла ҳалққа қарайсан тикка.

\* \* \*

Оз сўзлар, соз сўзлар раҳбар-сухандон,  
Айбу ҳақиқатни тутмайин пинҳон.  
Ошинг ҳалол эса, кўчада ич, дер,  
Ҳалолликдан топиб иқболин инсон.

\* \* \*

Қитмир раҳбар эса ғаюр, тарафкаш,  
Фикр қиласар чигал бир ўзи яккаш.  
Хизматда ҳам бўлиб бетайн, беор,  
Раҳмат демас унга бирор заҳматкаш.

\* \* \*

Хиёнат яшаркан раҳбар кўнглида,  
Тинчлик бўлмас айнан элу юртида.  
Халқ қаҳридан бир кун олар жазосин,  
Лаънат тамғасин ҳам осиб бўйнида.

\* \* \*

Раҳбар қилса ноёб ишин мухтасар,  
Ҳаётни тез фурсат қилар мунаввар.  
Ақлу фаросат-ла топиб эътибор,  
Ҳурмату шуҳратга бўлар мұяссар.

\* \* \*

Хулоса қилмасдан, раҳбар, сўз очма,  
Бегуноҳ ўзгага заҳрингни сочма.  
Хизматингда қолмай десанг уятга,  
Ҳақ сўзу адолат мулкидан қочма.

\* \* \*

Қувма ваҳм йўлин, нотавон бўлмай,  
Эл ҳузурига бор, паришиш бўлмай.  
Олурсан бебаҳо панду иасиҳат,  
Таскин топар дилинг, пушаймон бўлмай.

\* \* \*

Иzzат талаб бўлсанг, элни хўрлама,  
Шуҳрат завқига ҳеч ўзинг зўрлама.  
Жаҳд айла башар ғамин емоққа,  
Серташвиш ишингда, асло бўзламай!

\* \* \*

Заҳматкашга зулминг ўтказма зинҳор,  
Бир кун ул амалдор бўлиши ҳам бор.

Заиф мардумга ҳам боқса бахт-иқбол,  
Үнда сенинг ҳолинг бўлур тангу тор.

\* \* \*

Раҳбар нега қодир, неларга noctor,  
Кўкларга кўтартмай, синагин тақрор.  
Умидли асосин топганингдан сўнг,  
Маҳобат қилишга этгин ихтиёр.

\* \* \*

Гар кўкка кўтарсанг барвақт мақтабон,  
Думбуллигин асло тан олмас нодон.  
У раҳбар ҳаётдан ололмай сабоқ,  
Бир умр зорланиб ўтажак чунон.

\* \* \*

Агарким эсангиз билимда комил,  
Хеч сўзсиз бўларсиз ҳар ишда омил.  
Бу хислат бетимсол шарафли, азим,  
Эл-юртга берарсиз янги таомил.

\* \* \*

Озор берар касга тили аччиқлар,  
Озор берар баттар дили қаттиқлар.  
Ўзин шаънин булғар ноҳақ сўз ила,  
Андуҳ солиб бошга сўзи сассиқлар.

\* \* \*

Қинғир иш қилсанг-чи, қилигинг чиқар,  
Қирқ йилдан кейин ҳам қийғинг чиқар.  
Ноинсоф кечмишинг сип-силлиқ ўтмай,  
Жами иллатларинг, қийтиғинг чиқар.

\* \* \*

Еўр раҳбарда эса курси-амали,  
Фитна, ҳасад ила иш кўрар ҳали.  
Барибир кориҳол тушар бошига,  
Фофил муккасидан кетган маҳали.

\* \* \*

Арқонга қил қувват деган нақл бор,  
Бу ажиб мўъжиза, бергни әътибор.  
Қил арқон филни ҳам боғлашин билсанг,  
«Қилдек» кўринганга бермассан озор.

\* \* \*

Ақлинг худудидан чиқиб кетмасанг,  
Тумтарақай ҳисни ҳавас қилмасанг,  
Камолат топиб илм-фан эҳромидан,  
Маънавият ҳақда таълим берарсан.

\* \* \*

Зафар қучсанг, раҳбар, қилма писанда,  
Бўйма ҳеч мақтову шухратга бандиа.  
Комил савод фаҳми ила иш тутсанг,  
Ҳадя қилур ҳалқинг ҳурмату хашида.

\* \* \*

Ажиб мўъжиза бор ҳалқ забонида,  
Ҳақиқат зиёси бор баёнида.  
Ибрат олган билур рост сўз қудратин,  
Оламшумул бўлгач ул аёнида.

\* \* \*

Комил ишонч бўлсин ҳавасга пардоз,  
Бу хислат таъбингда эса, яна соз.

Тадбириңг ечарсан ожизлик қилмай,  
Оқибат, баҳт қүшинг қилажак парвоз.

\* \* \*

Хосият күп, кимда эса орнат,  
Қаро бўлмас юзи, йўқ нафсоният.  
Холи бўлур кушод нафс балосидан,  
Фоят яхшиликдан қиласар башорат.

\* \* \*

Раҳбар, магрур сўзла, адл кўтар бош,  
Уфқни эгалла бўлиб бошу қош.  
Измингда эканда замину замон,  
Оҳ, халқлар кўзидан тўкилмасин ёш.

\* \* \*

Устун қўймас камтар ўзин бирордан,  
Бу хислат минг юиллаб ўтган синондан.  
Бўлай деса ким эл-юрт ардоғида,  
Сақлаган ўзлигин кибру-ҳанодан.

\* \* \*

Лафзи бор етаклар яхшилик сари,  
Мард, меҳр-муруватли бўлар аксари.  
Лафзи ҳалол билиб айтар фикрини,  
Ором бериб дилга, субутли бари.

\* \* \*

Ҳаётни кузатсанг, вақ-вақи кўпдир,  
Мадҳ эмас, ҳаккадек шақ-шақи кўпдир.  
Бўш калладан чиқар пучак садолар,  
Нолага ўхшашдек васвасаси кўпдир.

\* \* \*

Үлчаб сўэла еру кўк погонасин,  
Қимматин эъзозлаб гавҳар донасин.  
Халқ қадрлар зикринг бебаҳолигин,  
Безавол безасанг таянч хонасин.

\* \* \*

Фоғил эса, санамагин сафдошга,  
Нари юр, тушмасин озори бошга.  
Ионома фоғилга, чиқмасин фифон,  
Йўқса жафо қилар қари-ю ёшга.

\* \* \*

Бадғаш раҳбар ноҳақ мискинни эзар,  
Демак, улким халқнинг кайфини бузар.  
Катталик ҳавоси тарқ этган чоғи,  
Шармисор бўлганча ўзи ҳам тўзар.

\* \* \*

Баъзилар гердайиб, ғўр гапни айтар,  
Қулоқ солмас дона пандига қайсар.  
Ийлқидай бақириб фаҳмсизликдан,  
Жағин тиймай халқни қилар дарбадро.

\* \* \*

Илму ҳунар ила безанмай инсон,  
Бахт-иқбол эшигин очолмас осон.  
Тириклик ечимин бартараф қилмай,  
Одамзотнинг ором олиши гумон.

\* \* \*

Баҳсим бўлди қуш-ла сайраган чоғда:  
— Фам сенга бегона, не бор бутоқда?

Қүш дедики: — Суллоҳ илон ғип бұғар,  
Иккى ямлаб ютар мени тупроқда!

\* \* \*

Одат қылма ғазаб ила теаликни,  
Халым бұл, халқ севар шириң тиілликни.  
Яхшимас яхшидан чиқса ёмонлик,  
Одоб билан қылғын мәхрибонликин.

\* \* \*

Пашшадан не фойда, күпдир зиёни!  
Пашшатаклитлар бор, тегмас ҳәёни.  
Фингиллаб соғдилни қылар шикаста,  
Туни-кун бузгани-бузган оромин.

\* \* \*

Мулойим сүзлашга баҳил бўлмагин,  
Башарга шу керак, ҳақни сүзлагин,  
Сўз ҳунари аъло, сўз жойини топ,  
Ғўру шўр сўзни қўй, баҳтири кўзлагин.

\* \* \*

Доно раҳбар доим элу-юрт тузар,  
Нодон раҳбар доим элу-юрт бузар.  
Шу бебаҳо нақлни қулоққа олган,  
Янгидан шаҳару қишлоқлар қураги.

\* \* \*

Раҳбарни ақлидан, хизматидан бил,  
Ҳурмат ила иззат, ҳимматидан бил.  
Халқ қалбіда умид чирогин ёқар,  
Элдаги эъзозу ҳурматидан бил.

\* \* \*

Бехатар деб бўлмас ойна синигин,  
Кези келса қиласар шамшир қилигин.  
Азиз билсанг жонинг фафлатда ҳолмай.  
Назардан қочирма ҳатто силлигин.

\* \* \*

Асал емоқликни қилганда ният,  
Нишли арини ҳам ёсла бағоят.  
Иўқса бил, бол қўйған жониворларнинг  
Сенга ҳам миннати тегар ниҳоят.

\* \* \*

Юзин ўғирса ким китобдан агар,  
Ҳамду саноларга бўлмас мұяссар.  
Ўзлигин қимматин бой бериб доим,  
Фариб айлар фаҳмин охират қадар.

\* \* \*

Олов ёнса тутун чиқар мўридан,  
Гоҳо қуюқ дуди чиқар тўридан.  
Фофил бўлма асло чиқмас деб ёнғин,  
Гоҳ чиқар алана гулнинг қўридан.

\* \* \*

Эъзозлар чин инсон ёшу қарини,  
Ақлу закоси-ла сийлар барини.  
Илм хазинасидан этиб баҳраманд,  
Тўлдирап зиёга элнинг фаҳмини.

\* \* \*

Сарф айла кучингни токи танинг соғ,  
Қоқ ерда яраттин экинзору боғ.

Башарият сенга таҳсиллар айтсин  
Хизматинг мевасин татигани чоғ.

\* \* \*

Ҳимматинг аяма, бўлса иймонинг,  
Муҳтоҷдан аяма ошу, туз, нонинг.  
Ватанинг шаъни-чун ҳатто жонни тик,  
Шунда халқ қалбida жо бўлар номинг.

\* \* \*

Давр ила яшашни гар қилсанг одат,  
Насиб этгай тинчлик, ҳузур-ҳаловат.  
Эъзозласанг Оллоҳ берган неъматни,  
Қозонгайсан шунда боқий саодат.

\* \* \*

Корингда қилолсанг тадбиру идрок,  
Панд емай юрарсан, тишламай бармоқ.  
Ҳаётда бўлолсанг қўли гул инсон,  
Бир умр яшайсан афсусдан йироқ.

\* \* \*

Инсон, жаҳон бўлсин аклинигга банда,  
Сен сабаб авж олсин шодлигу ханда.  
Башарки боғларкан меҳриннга ихлос,  
Умринг ўтгай сенинг баҳтли гулшанда.

\* \* \*

Оlamda жонзотлар аълоси башар,  
Соз бўларди одил яшаса агар.  
Шулку Оллоҳ берган тинчлик асоси,  
Ўзаро чиқмаса жанжалу хатар.

\* \* \*

Ногаҳон бошингга текканда таёқ.  
Оқил бўлу олгини тегишли сабоқ.  
Эгилган бошингни кесмагай қилич,  
Огоҳ бўл, билиб бос ҳаётда оек.

\* \* \*

Кенгашсанг тор дунё кенг бўлур охир,  
Талашсанг кенг дунё тор бўлур охир.  
Кенгашсиз талашдан бўлиб тору мор,  
Жаннатдек бу дунё хор бўлур охир.

\* \* \*

Бевафо дунёнинг қурбони бўлма,  
Дон бўлсанг буғдой бўл, сомони бўлмал.  
Хушёр бўл, турмушинг солма ғавфога,  
Тубан зот, безори томони бўлма.

\* \* \*

Жамики эл-юрт фарқ этмай ўз ҳолин,  
Бирлашса, ёмонлик топар заволин.  
Кину кудуратга бериб хотима,  
Ҳаёт ҳам бўларди жанинат мисолин.

\* \* \*

Беназир иш қилгин, эй улуг инсон,  
Үрнинг топгин ҳаёт ичра бегумон.  
Ироданг белбогин маҳкам боғласанг,  
Етарсан иқболинг уфқига, ишон.

\* \* \*

Адоватли одам хор бўлур охир,  
Билки бурда ионга зор бўлур охир.

Оқибат бўлажак эл аро расво,  
Еруғ жаҳон унга тор бўлур охир.

\* \* \*

Ақл ила ечсанг мушкул тугунни,  
Улардинг эртанги күнга бугунни.  
Ҳаёт деб, эрта деб, индин деб яша,  
Беминнат қилурсаи шунда якунни.

\* \* \*

Одам аро чиқар яхши-ю ёмон,  
Бири олийҳиммат, биридир шайтон.  
Шайтон бермас доно аҳлига ором,  
Одилни камситар кирдил, бейймон.

\* \* \*

Одамлар ҳақида бўлманг кўп ҳайрон,  
Яхшими-ёмонми, хулқидан аён.  
Қанийди дилида чарх урса дўстлик,  
Олса инсон деган шарафли унвон.

\* \* \*

Машаққат чекканлар камми оламда:  
Кўнгли синиқлар бор ҳар бир қадамда.  
Фитнаю ҳасаддан безорлар қанча,  
Одилликни кутиб яшар қидамла.

\* \* \*

Одамзот қадимдан бир-бировга ёв:  
Урушган, енгишган, қирган беаёв.  
Қонтўкар урушлар ҳозирам сероб.  
Юрту мулк талашар мисоли асов.

\* \* \*

Асли ҳурликка мос яралган дунё,  
Агар равнақ топса ҳаёт бехато.  
Ром этиб ўзига равзайи олам,  
Башарнинг орзуси бўларди бажо.

\* \* \*

Мардумнинг иқболи беҳашам бўлмас,  
Беҳунар, беилм, бефазл бўлмас.  
Юз очган сўнг фараҳ кўнгил богида,  
Ақл ила топган баҳт беҳуда бўлмас.

\* \* \*

Ёмғир тинмай ёғса, ер лой бўлади,  
Ирмоқлар қўшилса, шўх сой бўлади.  
Келинг даврамизга, азиз ёронлар,  
Дўстликдан ҳаётда чирой бўлади.

\* \* \*

Чопқиллайди ҳаёт, тин олмас юрак,  
Ҳар зум умримиздан узар бир бўлак.  
Афсусланмана, бўлгин хизмат ила банд.  
Шунда умринг топар мангулик, демак.

\* \* \*

Замин сийнасида мавжуд гиёҳлар,  
Билсанг, ҳар илдинда минглаб кимёлар.  
Бенллат ҳикматин кашф қилсанг агар,  
Улар элга сочар битмас зиёлар.

\* \* \*

Тўғри юрган бешак етар муродга.  
Эгри юрган қолар оғир уятга.

Эзгулик таянчи — шафоат қилмоқ,  
Нажот ҳосил қилган етар тилакка!

\* \* \*

Нихол эксанг агар, бөгинг бўлади,  
Неъмат мўл, қувонган чоринг бўлади.  
Экмасанг, тикмасанг, надомат чекиб,  
Фаш тортган юракда доғинг бўлади.

\* \* \*

Вазифа берилса — ишонч нишони,  
Ишончни оқлар қим, бўлса иймони.  
Ижро этса агар, беписанд, холис,  
Тинч бўлар ўзининг юрти, ошёни.

\* \* \*

Истеъдод — бетакрор ноёб заковат,  
Илму фан, одобда пишган камолот.  
Ҳис қиллар ҳаётни холис юракдан,  
Бу хосликни инъом этган ҳидоят.

\* \* \*

Бахш этсанг илмга зеҳнингу фаҳминг,  
Уқув заҳматидан чекинмас ақлинг.  
Дилга жо этолсанг илм-фан ҳикматин,  
Эъзозланар юртда ибрату нақлинг.

\* \* \*

Тошин тошга урсанг, учқун чиқади,  
Ҳушёр бўл, бир урсанг учқун ўчади,  
Агарки бегаму бепарво бўлсанг,  
Учқун балосидан юрт ҳам кўчади.

\* \* \*

Ҳикмат — саҳий боғнинг ширин меваси,  
Одамийлик наҳрин асл неъмати.  
Ҳикмату сахийлик савоби кўпдир,  
Бу фазл — Оллоҳнинг қилган ҳиммати!

\* \* \*

Ўзингни бегуноҳ дея кўрсатма,  
Килмишинг тафтиш эт, тўнгга ўхшатма.  
Хўй инсон, адоват, жаҳолатни қўй,  
Тавба-тазарру қил, соф бўл, бўшашма.

\* \* \*

Эй, жондан кечмасанг, жонона қайдა?  
Тоққа бормасанг гар, дўлона қайдა?  
Жафокашлик таъмин тотмасанг, жўрам,  
Минг бўғриқма, олмос-дурдона қайдада?

\* \* \*

Танда тил, кўз, қулоқ — яроғинг шудир,  
Донолик бобида чароғинг шудир.  
Баён, кўриш, тинглаш бекам-кўст эса,  
Ҳаётдан нолима, марогинг шудир.

\* \* \*

Бардош қилса кимки ҳоли танг маҳал,  
Бу танглик, чиндан ҳам чиқса жанг маҳал,  
Режали тадбирин муҳтасар битса,  
Бундай зот муродга етар ҳар маҳал.

\* \* \*

Мураккаб ҳаётинг эса бераҳм,  
Руҳинг тетик тутсанг — чекинар ваҳим.

**Фариблик домига бошинг тушмагай  
Шарафли ишингни этолсанг фаҳм.**

\* \* \*

Хаёт эмас сароб ва ёки соя,  
Ёки эртак эмас, қылсанг ҳикоя.  
Бепоёндир сўлим ҳаёт мазмуни,  
Фазлу ҳикматига йўқдир ниҳоя.

\* \* \*

Доно тотли сўзлаб, кўнгилни овлар.  
Ибратли хулқ ила меҳрини товлар.  
Беқиёс золу зар, осуда одам,  
Жами жаҳон аҳлин эзгуга чорлар.

\* \* \*

Қадрдон, баҳра ол ғанимат дамдан,  
Халос бўлай десанг кулфату ғамдан.  
Фаҳминг безат илм гавҳари ила,  
Барча замон нақши топилсин сендан!

\* \* \*

Сув қўймай, қулоғин тўғрила аввал,  
Йўқса ерингни сув босар бемаҳал.  
Экин-тикин хароб бўлмасин десанг,  
Пухта қил дамбасин, суви йўқ маҳал.

\* \* \*

Умримиз бир зумлик, қадрига етгин,  
Одамзодга умид бахшида этгин.  
Енгил нафас олсин сўзингдан жаҳон,  
Соф дилларга ишонч чечагин эккин.

\* \* \*

Замин тинч, мусаффо эса осмонинг,  
Табиат ҳам гулгун, оромда жонинг.  
Дўстлар даврасида гурунглар ҳам соз,  
Қалб тинч, қутлуғ ишлар қилса сарбонинг.

\* \* \*

Сўзим машъал каби ёнсин бегумон,  
Еғду солсин дилга чақмоқдай чаққон.  
Қисман ушалмаган кўнгил армоним:  
Эзгулик оламга етсин оломон.

\* \* \*

Сабру қаноатда тутсанг ўзингни,  
Меҳнат ила топсанг ризқу рўзингни,  
Ҳаётинг ўтажак ширин, беминнат,  
Уқубатдан холи қилиб кўнглингни.

\* \* \*

Соҳибдил, бойлигинг эсада ортиқ,  
Этгин фарзандингга ҳунардан тортиқ.  
Бойлигинг бевафо санамдир гўё,  
Бир куни кўксингга тортиб кетар тиф.

\* \* \*

Инсон, қадрингга ет, ўтказмай фурсат,  
Омонат дунёда ҳар зум ғанимат.  
Ақлинг кўзин бир дам босмасин ғубор,  
Бирор боғ яратгин кўрсатиб ғайрат.

\* \* .\*

Тирикчилик — турмуш ғамини еймиз,  
Ризқ топсак, гоҳ яхши, гоҳ ёмон деймиз.

Ҳүшиңг йиғ, туби пүк ўпқондир рүзгор,  
Ношукур бўлсак-чи, пушаймон еймиз.

\* \* \*

Ризқу насибангни меҳнат ила топ,  
Меҳнат-ла топганинг беминнат, поёб.  
Бунёд этган мулкинг эҳтиёт қилгин.  
Үмарид кетмасин текинхўр нобоп.

\* \* \*

Исроф қилсанг агар ноннинг увоғин,  
Тортарсан жабринни нонсизлик чоғин.  
Нонни нон ўрнида кўрмас экансан,  
Билиб қўй, кўрарсан хўрлиknинг доғин.

\* \* \*

Битта дон қадрига етмаса инсон,  
Вожиб қиласмиди улкан бир хирмон.  
Зор бўлур оқибат бурда нонга ҳам,  
Агар ким доналаб термас экан дон.

\* \* \*

Турмушни ўтказма сен кории билмай,  
Кўлинг бутун, яша озорни билмай.  
Эл-элат ила ҳам уюшган эсанг,  
Яшарсан бир умрга зорни билмай.

\* \* \*

Агар пок меҳнатни этса ихтиёр,  
Инсонга албатта толе бўлар ёр.  
Шундай машгулот-ла ўтган боболар,  
Синадик амалда, шундадир барор.

\* \* \*

Қаноат қил мәҳнат ила топганда,  
Иқболинг очилур омад боққанда.  
Үмрииң күрки — мәҳнат — роҳат асоси,  
Олқиши ҳам олурсан элга ёққанда.

\* \* \*

Орзу қылсанг яхши ҳаёт қуришни,  
Заҳмат чек, мәҳнат қил, соз қил турмушин.  
Шунда тортмагайсан жүрлик азобин,  
Етарсан қадрига даврон суриншнинг.

\* \* \*

Меджитингдан топсанг дилга ҳаловат,  
Насиб этгай сенга баҳту саодат.  
Рұзғоринг сезмагай каму торликтини,  
Ғам чекмас жонинг ҳам, күрарсан роҳат.

\* \* \*

Шодлик асоси йүқ эса рүзғорда,  
Үндән яшаш афзал сокин бир ғорда.  
Ғамхона хонадон топмас осойиш,  
Үмр ҳам ўтади доим озорда.

\* \* \*

Гүмөн вайрону, ҳақ бүлсін устивор,  
Токи яшаш тарзинг күрмасын ғубор.  
Фазлу ибратингдан нағ күрсін әлинг,  
Гарчанд бу хизматинг эса ҳам душвор.

\* \* \*

Эру хотин бажо этса иззатин,  
Эллараро тарғиб этар шуҳратин.

Оила ҳурматин қадрлаганлар,  
Оширгай рўзгорин обрў-қимматин.

\* \* \*

Аҳиллик барқарор бўлса рўзгорда,  
Оила яшамас асло озорда.  
Ҳидоят нуридан бўлиб баҳраманд,  
Ҳаёт гаштин сурар хуррам замонда.

\* \* \*

Ризқ шундай оловки, қул бўлиш мумкин,  
Луқманг ҳалол бўлса—ҳур бўлиш мумкин.  
Меҳнатдан ундиранг нонингни, инсон,  
Эл ичра шарифу дур бўлиш мумкин.

\* \* \*

Номуроса эса эру хотини,  
Бола-чақа кимга дейди додини?  
Барбод бўлар ахлоқ, таълим, тарбия,  
Наф йўқ тўкса ҳам сўнг кўзин ёшини.

\* \* \*

Қаноат қилмасанг кўрган кунингга,  
Зомин бўларсан ҳам ўтган умриннга.  
Чархи даврон ўтиб кетар зум демай,  
Ношукурлик жазо берар ўзингга.

\* \* \*

Яхими-ёмонми, умр ўтади.  
Дунё ташниши ҳам бошдаи кетади.  
Ғаммоз бўлмай, қувноқ яшаган яхши,  
Дил тишмас, ризқ ҳам кўпга етади.

\* \* \*

Ҳаракат қил обдан, барака бўлар,  
Хирмонинг бут бўлиб, омборинг тўлар.  
Емиш-ичмиш бўлиб бекам, bemalol,  
Рўзғорга мўлчилик, шодлик ҳам келар.

\* \* \*

«Бор кучингни елга эмас, ерга бер,  
Жамғармангдан селга эмас, элга бер».  
Шу мақолга кимки қилмаса амал,  
Чашаш тарзи ночор, таъзирини ер.

\* \* \*

Ёнингдаги аиҳор оқса ҳам тўлиб,  
Челакларинг турсин сув билан тўлиб.  
Чанқаган чоғингни унутма зинҳор,  
Ташвишдан юзларинг қолмасин сўлиб.

\* \* \*

Истардим: туғилган ҳар битта инсон,  
Кўрсатса ўзлигин меҳнатда чунон.  
Иzzату икромга бўлиб мұясеар,  
Осуда турмушдан ором олса жон...

\* \* \*

Умрда бирдамлик, шодлик истаймиз,  
Ибрат-чун қолсайди бирор ишимиз.  
Қолар бу дунёда хаёл, ҳийла, ғам,  
Үриш-арқоғи йўқ ҳом турмушимиз.

\* \* \*

Ҳаёт чаманига келган эдик нок,  
Хуррамлик эшигни беркитди нопок.

Бизга насиб этди турмуш ташвиши,  
Покликдан асар йўқ, дилнимиз гамнок.

\* \* \*

Бу шўрлик умримиз борса-келмас йўл,  
Сузиб юрганимиз сохилисиз бир кўл.  
Бу дунё чинакам сирли пардадир,  
Очилмас-ечилмас савдолари мўл.

\* \* \*

Турмуш—гор, бўй бермас бизнинг талабга,  
Бир умр нидо қил, чиқар пучакка.  
Инсон, кўрсат нега қодирлигингни,  
Ноилож деганин чиқар саракка!

\* \* \*

Яшамоқ маъносин англаб етолсанг,  
Тириклик сирларин илкис ечолсанг,  
Бахш этардинг элга мавжудот дурин,  
Бу, ғоят аъло иш, шодлик беролсанг!

\* \* \*

Миннатсиз бир ионга қаноат қилғон,  
Пасткашга зорланмай яшаши осон.  
Кунлик турмушга мос эса ошёни,  
Минг карра авлодир ўзи топган нон.

\* \* \*

Четолмас конют сенинг измингдан,  
Ойда ҳам тамга бор сенинг изингдан.  
Давру замон келар ҳам олам аро  
Келин тушурармиз фалак қизидан.

\* \* \*

Яшамоқнинг бордир тубли асоси:  
Табиату замин унинг онаси.  
Равшан, яшамоқ — бу яратмоқ демак,  
Шудир тирикликинг қадим маъноси.

\* \* \*

Умринг сарф эт емоқ, ичмоқ, киймоққа,  
Афсусланма зинҳор заҳмат чекмоққа.  
Ахлоқу одобинг бўлса муаззам,  
Рўзғоринг қолмагай асло қийноққа.

\* \* \*

Ё раб, умрим ўтди мунча ҳам тезроқ,  
Буюрганинг кўрдим, ризқ ранжи кўпроқ.  
Кенгашиб магизин шимниб қарасам,  
Тупроқдан чиқибмиз, бўлгаймиз тупроқ.

\* \* \*

Омонлик тилаб оч ризқим эшигин,  
Тинч тебратай Оллоҳ берган бешигин.  
Оҳ урмай яшайлик лобар ёр ила,  
Бут қилиб рўзғорнинг ками-кетигин.

\* \* \*

Умримни майсага ўхшатсам кўпроқ,  
Яшаш мавсуми бир десам тўғрироқ.  
Афсус, кўзни юмиб очгунча бўлмай,  
Икков ҳам қовжираф бўларкан тупроқ.

\* \* \*

Ният эса улкан ҳирмон кўтариш,  
Үруғ соч вақтида, қилгин парвариш.

Ниҳолликдан яшнат бошоғу чаноқ,  
Насиб қиласар сенга ҳосил жамгараш.

\* \* \*

Рұзғор лазиз бүлсін десанды агар,  
Аёлларға мәденинг ёғдар сар-басар.  
Осоюшталикка птур етмас сүңг,  
Бу ноәб ишингга раҳмат дер башар.

\* \* \*

Күлбада ҳасрат-ла яшаса хотин,  
Оиланинг күнгли очилмас түн-кун.  
Жонга тегиб охир бетиним ғурбат,  
Үчирад онла шамин бус-бутун.

\* \* \*

Аёл қадди-басдин бүлсін чиройи,  
Қибр қымай, ўзин тутсын бинойи.  
Оғишмай рұзғордан бахтини топсин,  
Етуқ бўлиб турмуш қурсин киройи.

\* \* \*

Бу дунё ғам, алам, мусибатга бой,  
Мол йигиб, ғам чекиб ўтган бир талай.  
Лекин ғам чектирма лобар ёрингга,  
Рұзғорда чарх уриб юрсин ҳар қалай.

\* \* \*

Тўй-томуша, келин түшса рұзғорга,  
Хуррамлик маҳал чек қўйинг озорга.  
Қанийди, байрамдек ўтса-ку ҳар кун,  
Ишқу ҳавас кетмас эди бекорга.

\* \* \*

Ҳосил бермас шүр ер, уруғ соғмагин,  
Бұз ер — соз ер, меңнат қилу, қочмагин.  
Зое кетмас асло чеккан зақматинг,  
Мұл ҳосил оларсан, кечга қолмагин.

\* \* \*

Етим күрсанғ фильтол соябон бүлгин,  
Шафқат қил, фарзаңдек ўпгину сүйгин.  
Бошин силаб, күнгін тоғдай баланд қил,  
Парвариш айлагин, падарлик қилгин.

Нодон, дүстга отдинг ғаразли тошиңг,  
Сүңг сузилмай, қолди пиширган ошинг.  
Чунки фосиқлиқдан топилған зиён,  
Еб кетди пишмаган иоқобил бошиңг.

\* \* \*

Ким бой эрса, фармон билан ўтганмиш,  
Йүқсил эса армон билан ўтганмиш.  
Күп низолар тушиб йүқсил бошиға,  
Турмуши ярим нон билан ўтганмиш.

\* \* \*

Аёллар, рўзғорнинг бозори ҳам сиз,  
Қувончу қутлуғу озори ҳам сиз.  
Қиёс қылсам сизга табиат фаслин,  
Қишу ёзу кузу баҳори ҳам сиз!

\* \* \*

Бир кун умр берсанг ҳам, ёр билан бер,  
Баҳордек очилған дилдор билан бер.

Қувилсин кўнглимдан интизорликлар,  
Офатижон моҳитоб рухсор билан бер.

\* \* \*

Инсон, лобар ёрсиз рўзғор бўларми,  
Ёр карашмасисиз кўнгил тўларми?  
Насиб этгач сенга иффат лаззати,  
Рафиқанг — вафодор, севмай бўларми?

\* \* \*

Пари сифат дилбар, жисмим жони сен,  
Ҳусн ривожининг моҳитоби сен.  
Вафо иқлимининг ҳам ҳақони сен,  
Ишқу муҳаббатнинг ҳам султони сен.

\* \* \*

Аёллар, турмушнинг фариштаси — сиз,  
Эр, фарзанд, рўзғорнинг сариштаси — сиз.  
Сиз турган хонадон гулшан бўлади,  
Чунки бошу-қошсиз ҳар бир ишда — сиз.

\* \* \*

Нодон, асл ёрдан кечиб бўларми.  
Даҳшат, айрилиқдан кўнгил тўларми?  
Эвоҳ, ҳижрон доги тушмасин бошга,  
Шаминг ўчса, хонанг ёруғ бўларми?

\* \* \*

Сезурман, севгининг сабоғи кўпдир,  
Бу ишқ саҳросининг сўқмоги кўпдир.  
Ёр севсанг, танҳо бир дилдорни севгин,  
Севмаган кўнгилнинг қуроғи кўпдир.

\* \* \*

Чиройга ҳавас-ла тикилар одам,  
Гүзалликдир ажиб мұъжиза олам.  
Хушиуд қилур дилни, кайф бериб чунон,  
Чиройдан тополса софликни ҳар дам.

\* \* \*

Ситамгар бўлма кўп, қалам қошлигим,  
Бахш этдим-ку сенга думбул ёшлигим.  
Дилозор бўлишдан надир ҳожатинг,  
Эй сўлим, шаҳло кўз, қора сочлигим?

\* \* \*

Эй севгилим, мени бегона қилма,  
Үтганда ёшлигим, девона қилма.  
Афсуслар чектириб ҳижрон доғида,  
Инсоф қил, эл-юртга афсона қилма.

\* \* \*

Дил сайрини маҳбуб раъно ила қил,  
Хушхону ҳабибу барно ила қил.  
Армоним қолмасин десант кўнглингда,  
Пари сифат ёри аъло ила қил.

\* \* \*

Севгингдан баҳр олсанг, умринг роҳати,  
Осуда ҳаётинг чин фароғати.  
Холи бўлардинг рашк, ғуссалардан ҳам,  
Заминдор бўлиб сўнг баҳт-саодатинг.

\* \* \*

Рўзғор яхши, ғурбат шами ёнмаса,  
Севгилим қайсаарлик созин чалмаса.

Хукмрон бўлиб қолса ҳалимлик шояд,  
Ғам, изтироб чекиш жойи қолмаса.

\* \* \*

Оилада эса олий ҳаловат,  
Ҳаёт ҳам мазали, топарсан роҳат.  
Турмуш ҳазинасин дурдонаси шул,  
Ардоқла, баҳш этгай мангу саодат.

Дилбар ёр ҳаётим меҳригиёси,  
Менга куч бағишилар нури, зиёси.  
Илоҳий ишқ ила қалбим чароғон,  
Тотли турмушимнинг йўқдир қиёси.

\* \* \*

Ёр ила эл ишқи руҳингга мос-ку,  
Ишқ савдосин жами аслингга хос-ку.  
Ёру эл, юрт меҳри жонингга пайваст,  
Иймон билан айтдим, мантиқан рост-ку!

\* \* \*

Лобарим, не учун кўзларингда ёш,  
Нима, бўлмадимми муносиб йўлдош?  
Ярашмас, ўринсиз ғашларингни қўй,  
Кашф этганим: ўзинг — мен учун қуёш!

\* \* \*

Қадрла маҳбубанг нурли боқишин,  
Жоду-ла қалбингга ўтлар ёқишин.  
Бу кеча ўйини эмас, қароғим,  
Ардоқла то қувнаб хандон отишин.

\* \* \*

Аёл гўзаллиги одоби билан,  
Меҳру оқибату ахлоқи билан.  
Маънавий, маърифий кўрки яна соз,  
Аёл баҳтин топар оналик билан.

\* \* \*

Бефарқ қолма, замон сози ўзгача,  
Тўрт фаслнинг сахий ёзи ўзгача.  
Мустақил юртимнинг ўзгача гашти,  
Бил, асл ёрнинг ҳам нози ўзгача.

\* \* \*

Мунча ҳам нигоҳинг экан ҳийлакор,  
Ғулув солдинг дилга, кўзлари хумор.  
Англомай гарангман, бу жоду нечун,  
Тин олсин жону дил, сиринг эт ошкор?

\* \* \*

Икки юрак торин боғлангиз маҳкам,  
Аҳли тамиз дўстлар, бўлингиз жам-жам,  
Жиғибийрон бўлмай ўтсин умрингиз,  
Давру даврон суринг, жўшиб дам-бадам.

\* \* \*

Лобарим, сўзинг бол, латиф, беозор,  
Тинглашга муштоқман не десанг такрор.  
Шўх ишоранг берар ҳаёт лаззатин,  
Илҳом оловин ёқиб беғубор.

\* \* \*

Мен билан ёнма-ён ўтиrsa малак,  
Ҳам чалса ҳаётим созин оқбилак.

Қалб түримдан очиб нашъали олам,  
Озор ҳам кечмаган бўларди юрак.

\* \* \*

Куйдирди малакнинг сеҳрли нози,  
Ташна қалб дардига малҳам овози,  
Гўзаллик нуридан баҳра олсам бас,  
Хушторим не деса, бўлардим рози.

\* \* \*

Эркаклар, унутманг аёллар ҳақини,  
Қийиб қўйманг аёл ризқи-ю нафии.  
Гуноҳ эрур урмоқ, ҳақорат қилмоқ,  
Бильякс, бошлаб келсин қувончлар сафини.

\* \* \*

Аёлга ақлу хуш, одоб ҳам керак,  
Ял-ял ёниб турган ёноқ ҳам керак.  
Жило берсин чилвир сочи моҳрўйнинг,  
Иzzату зеболик, хулқ ҳам керак.

\* \* \*

Оиланг кўнгилсиз эса рўзғорга,  
Барақа-хайр ҳам кетар бекорга.  
Хонадондан қочиб ҳузур-ҳаловат,  
Үйинг тўлар ғаму қайғу-озорга.

\* \* \*

Тинимсиз кўчага юрган хотини,  
Эвоҳ, ихлос қилмас рўзғорга бутун,  
Безор бўлмай охир дайдиб юришдан,  
Койиб сўрасанг, жанг қилар ҳам бетин.

\* \* \*

Үғлим, ҳижрон доги тушмасин бошга,  
Ха, бесабаб пашша тушмасин ошга.  
Заъфарон қилмайин қаллигинг рангин,  
Дағдаға қилмасдан зўр бер бардошга.

\* \* \*

Аёллар, Оллоҳга итоат қилинг,  
Ояту ҳадисдан тиловат қилинг.  
Жоиз эмас осий бўлиш аёлга,  
Тавозелик ила ибодат қилинг.

\* \* \*

Ҳижрон алантаси куйдирап жоним,  
Биллоҳи, дил тўла зўр пушаймоним.  
Гуноҳим—ёримга берганим озор,  
Кечирсин, шу эрур сўймас армоним.

\* \* \*

«Ёрдан айри йиглар етти йилгача,  
Элидан айрилган йиглар ўлгунча.» —  
Бу нақл чин инсон дилида яшар,  
Умр паймонаси токи тўлгунча.

\* \* \*

Қандай яхши аёл комила бўлса,  
Хаёли, вафоли, оқила бўлса.  
Латофат санъатин тарк этмай ўздан,  
Иболи мураббий, фозила бўлса.

\* \* \*

Баъзи ёшлар ишққа эрмакдек қарап,  
Ешлик фаслин улар овунчоқ санар.

Бетоқат, бесабр даврлар ўтиб,  
Севигига етолмай, ўзи алданар.

\* \* \*

Инсон қайда азиз? Йүқлаган жойда,  
Иzzат топар холис ишлаган жойда.  
То абад туширмай иқболига доғ,  
Эл рағбатин қадрлаб, яшар ҳар жойда.

\* \* \*

Ширин тил, табассум—энг олий ҳиммат,  
Сингдирап қалбларга меҳру оқибат.  
Эзгулик-ла ёқар умид чироғин,  
Мулк бўлиб қолса гар улуғ фазилат.

\* \* \*

Ўзга айбин билсанг, мунозара қил,  
Ўз айбинг бўлса, тез мушоҳада қил.  
Бу ажиб фазилат берар неъматин,  
Нодонлик қилмай ҳеч, шунга амал қил.

\* \* \*

Одам таъби нега мойил ёшидан? —  
Кечикмай ўрнинг топ, умринг бошидан,  
Тақдирингга нелар ёзилганин бил,  
Жилмай ақлу билим кошонасидан.

\* \* \*

Бўтам, ўзинг бунёд эт роҳатингни,  
Номарддан тилама фарогатингни.  
Орзу қила кўрма ўзга сарқитин,  
Ҳавас қилсин эллар қаноатингни.

\* \* \*

Ҳар не олсанг, ошма асло маромдан,  
Алҳазар, юз ўғир мулки ҳаромдан.  
Қилмишинг маромин билмасанг агар,  
Бенасиб бўларсен тинчлик, оромдан.

\* \* \*

Тинчликдан, тўлиқдан бўлар экан тўй,  
Эй нодон, ўринсиз шўхлигингни қўй.  
Борди-ю, бошингга тушса-чи ташвиш,  
Амин бўл, наф бермас минг пушаймон, ўй.

\* \* \*

Ёшлар, гул фаслингиз кетмасин бекор,  
Ватаним богида гулсиз, бетакрор.  
Ёшлар, сиз давримиз фусункорисиз,  
Халқ ғамила яшанг шоду баҳтиёр!

\* \* \*

Каттага ҳурматда бўлган яхшидир,  
Қичикка иззатда бўлган яхшидир.  
Хушфеъликдан киши топиб эътибор,  
Бир умр ҳурматда бўлган яхшидир.

\* \* \*

Фазилат туғилур ёшлиқ чоғингдан,  
Гар терсанг неъматин ҳаёт боғидан.  
Гар етсанг қадрига меҳнат ҳикматин,  
Холироқ яшарсан андуҳ-доғидан.

\* \* \*

Ташвиш тушса ғариб-етим бошига,  
Бўтам, тез етиб бор унинг қошига.

Беминнат эҳсон қил савоблик учун,  
Молига мол қўшгин, сабр-бардошига.

\* \* \*

Сен — ботир, забардаст замин ўғлони,  
Куч-қудрат-ла обод этгин дунёни.  
Фароғат келтирса событ қадаминг,  
Бўлурсан эл-халқнинг азиҳ меҳмони.

\* \* \*

Ёшлар, билим олинг ёшликда кўпроқ,  
Китоб мағзин шимиб олинг тузукроқ.  
Тарқ этсангиз нафсиз гўрлик, шўхликни,  
Умринги ўтарди сермаҳсул, порлок.

\* \* \*

Тўхтаб қолмас сўлим ҳаёт оқими,  
Барқ урап латофат, чирой ёлқини.  
Одамлар армонин кўпайтирмасдан,  
Ёшлар топгани соғ ўзин баҳтини.

\* \* \*

Ўғлим, уққин падар васиятини:  
Инсонсан, ярат эрк салтанатини.  
Ярқ этган чоғида олий ҳақиқат,  
Тургин тик кўзлаб халқ манфаатини.

\* \* \*

Дерлар: бадфеъл фарзанд дўзах азоби,  
Ота-она қалбин дардли зардоби.  
Бетавфиқ ахлоқи бермас осойиш,  
Кўпни тортиб кетар уннинг гирдobi.

\* \* \*

Яратсанг ахлоқу одоб низомин,  
Берардинг ёшларга нурли сабогин.  
Гавҳардек терганинг маънавий бойлик  
Топарди оламда қадру қимматин.

\* \* \*

Қамол топса кимки ақлу илмдан,  
Тарғиб қиласр әлга туғал зеҳндан.  
Зеҳн нафъин кўрган аҳли халойиқ,  
Ибрат олар унинг лазиз тилидан

\* \* \*

Кўнглинг ношод эса, заҳрингни сочма,  
Фаҳминг нуқсонидан зинҳор гап очма.  
Жаҳалинг тушгач құлмай десанг пушаймон,  
Закий халқингта бор, пандидан қочма.

\* \* \*

«Ота рози — Худо рози» деганлар,  
Сабаби ота ҳам Каъба эканлар.  
Отани ҳурмату эъзозда тутиб,  
Унинг зиёратин ҳаждай билганлар.

\* \* \*

Ақли расоликмас — чиқса хиёнат,  
Юрт бузилар бехос, қўпид қиёмат.  
Нопок ишни қилгач шайтон хумсалар,  
Тангридан жазо ҳам олар бешафқат.

\* \* \*

Эл-элат қуюнса, куюнар ботир,  
Эл-элат суюнса, суюнар ботир.

Вафоли, иймонли мўмин иши бу,  
Эл-элат йўлида суринар ботир.

\* \* \*

Тингланг бир етимнинг мунгли хоҳишин,  
Ҳеч ким билмас дея қилган иолишин:  
«Тангрим, отам-онам борми дунёда?» —  
Деб тун-кун тўкаркан кўзининг ёши.

\* \* \*

Қанийди осилсам отам бўйнига!  
Қанийди отилсам онам қўйнига!  
Бундан энёд қувонч бўларми, тангри,  
Бахт қуши келгандা етим ёнига.

\* \* \*

Дунёнинг табаррук офтоби — она,  
Инсон тафаккурин ҳар боби — она.  
Суюк ворисларнинг ижодкори ул,  
Фарзанд камолининг меҳроби — она!

\* \* \*

Она — мунис, мушфиқ, суюк, беозор,  
Тоза қалб, муҳтарам, шодлигимга ёр.  
Олис кетсам, икки кўзи мунтазир,  
Хаста бўлсан чекар аламу озор.

\* \* \*

Она, номинг жисмим ародир танҳо,  
Меҳринг булоги бир хазина тилло.  
Жигарпорам дея чекдинг аламлар,  
Онам, Кабъам ўзинг, мушфиқ бир дунё!

Итоаткор бўлгин ота-онага,  
Меҳринг ийиб юрсин ота-онага.  
Хизматин қил, розилигин ол, илло,  
Мурувват қил бетин ота-онага!

\* \* \*

Ҳақорат қилма ҳеч онанг-отангни,  
Бағишла уларга муҳаббатингни,  
Хулқи ёмонликни тарқ қилсанг агар,  
Оллоҳ дарис тутмас ҳеч рағбатини.

\* \* \*

Бўтам, туққан онанг эъзозла, асра.  
Сен деб азоб чеккан, умрини сўра.  
Ҳаловат баҳш айла, тилаб омонлик,  
Армони қолмасин қалбиди сира.

\* \* \*

Фарзанд ота-она меҳригиёси,  
Соз бўлар ёритса унинг зиёси.  
Оқил работ қурса бузрукворлар деб,  
Бўлмас ота-она баҳтири қисси.

\* \* \*

Келдиму кетаман, олам қолади,  
Қувончга қоришиб нолам қолади.  
Қувончу ноламга ворис бўлмоққа  
Фидойиň ўғил-қиз — болам қолади.

\* \* \*

Бадғаш, шуҳратпаст эса улфатинг,  
Билиб қўй, сенинг ҳам ортар кулфатинг.

Қиёмат иши күз очиб юмгунча  
Эканин унутсанг сўнар рағбатинг.

\* \* \*

Дилозор бекорчи бўлолмас ҳамдам,  
Ичишга муккадан кетар дам-бадам.  
Айш-ишрат кўлига чўмилиб обдан,  
Қабоқатли ишдан қайтмагай бирдам.

\* \* \*

Жанинатдек боғ ярат, сочиб турсин нур,  
Мевалар етилсин бамисоли дур.  
Баҳра олсин жаҳон аҳли, мўминлар,  
Жами ушшоқларга баҳш этиб сурур.

\* \* \*

Жасур эсанг, қалбда турсин ҳаяжон,  
Рўшнолик келтиргин юртингга томони.  
Чекинсин ҳаётдан ғам ила кадар,  
Бўлиб қолсин элда довруғинг достон.

\* \* \*

Ҳавас билан майин ичканлар қанча,  
Май—илон, домига тушганлар қанча.  
Оқибат ўзлигин қилиб хору хас,  
Ишрат бўронида учганлар қанча.

\* \* \*

Истеъмол қилса ким ароқни кўпроқ,  
Кечирган турмуши мусибатлироқ.  
Чарх ургай оламда, бўлиб саломат,  
Ким ароқ-шаробдан юрса гар йироқ.

\* \* \*

Ичишдан тежалса саломатлигинг,  
Асралур эларо аломатлигинг.  
Ақлу заковатинг тұлыб зиёга,  
Мунаввар қыларди камолатлигинг.

\* \* \*

Соғлом фарзанд күриш эса ниятинг,  
Кони зарар әрүр маст кайфиятинг.  
Гар ичсанг, туғилиб ногирон гүдак,  
Күнглиң тұла армон, ортар кулфатинг.

\* \* \*

Күп ичсанг шаробни—умринг заволи,  
Не кечар сүнг бола-чақа аҳволи?  
Емиш-ичишга ҳам қолмай сармоянг,  
Ночор рүзгорингнинг тутар уволи.

\* \* \*

Баъзилар ҳавасга ичишар ароқ,  
Чоғ қылсаки гүё ғаш күнглиң тезроқ.  
Сүнгра беоқибат күриб аҳволин,  
Пікетар одамлик сиёқин күпроқ.

\* \* \*

Нұш этіб сен майни, одат қилибсан,  
Сүнг шимиб ичмоқта ружуъ қўйибсан.  
Нечунким, етмайин умринг қадрига,  
Жаҳаннам қаърини сўраб турибсан?

\* \* \*

Май кайфи одамни қутуртиради,  
Эвоҳ, «жозибаси» учиртиради.

Ердан узиб пойинг, «ботир» қилади,  
Фосиқликка йўллаб бўкиртиради.

\* \* \*

Май ичсанг, қилмассан зинодаи ҳазар,  
Икков иллат этар қашшоқдан баттар.  
Рўзгорингдан кетар қут ва барака,  
Ҳаёт тугаб, келар ажалдан хабар.

\* \* \*

Бўтам, ароқ ичиш — шайтон амали,  
Қимор, хумор, зино — шайтон қамали.  
Шайтоннинг ишидир фолбинлиги ҳам,  
Бу ишдан келган наф барни чамали.

\* \* \*

Пулу мулк, мансабга хуморлик қилма,  
Улуглик зиёда, бенасиб бўлма.  
Бўтам, воз кеч нафсинг ғолиблигидан,  
Шайтоний ҳавасга асло интилма.

\* \* \*

Дилингда бўлса гар дарду алам, ғам,  
Жўранг бўлса яхши қофозу қалам.  
Битурсан шодликка тадбир-чоралар,  
Таълим олар бундан бечоралар ҳам.

\* \* \*

Қиз танлама, ўғлим, тўйга боргандা,  
От танлама асло ёмғир ёққанда.  
Бариси ясама, ясоғлиқ олам,  
Чиройга алданиб, қолурсан доғда.

\* \* \*

Телбалик базмida йўқ ҳаё, идрок,  
Унда қуруқ вақ-вақ, мантиқдан йироқ.  
Маърифатдан қолмас зарра асорат,  
Кайфу сафочилар этгач иштирок.

\* \* \*

Бу олам сирига етолмай тамиз,  
Пулу ганж йигишга ўчроқ бўламиз.  
У олам сиридан воқиф бўлолмай,  
Охири бир кафан олиб кетамиз.

\* \* \*

Ўйғон, ўғлим, кўзинг очақол тезроқ,  
Ҳаёт келган сенга эшик чertaroқ.  
Эринмай қарши ол ҳар отган тонгни,  
Эртангги бахting ҳам бўлур тиниқроқ.

\* \* \*

Салом қил халқингга, беминнат бўлур,  
Эзгу тилакларинг беиллат бўлур.  
Оқлай десанг салом сўзин ҳикматин,  
Меҳр қўй Оллоҳга, бешикаст бўлур.

\* \* \*

Салом-алик ирқу насаб танламас,  
Ешу жинсу, тилу ранг ҳам танламас.  
Қут-саодат, эсон-омон юрса бас,  
Эл-элат, қитъяю юрт ҳам танламас.

\* \* \*

Ҳа, ёмғир билан ёр кўкарап дерлар,  
Боз, дуо билан эл кўкарап дерлар.

Жабрдийда қилган сабаб мискини,  
Жаҳаннам эгаси деган судхўрни.

\* \* \*

Фофил эсанг, куфр йўлни танларсан,  
Мунофиқдек ботил бўлиб яшарсан.  
Эҳ, Оллоҳга тоат-ибодат қилмай,  
Балога гирифтор бўлиб кетарсан.

\* \* \*

Инсофли-иёмонли, ошини егай,  
Инсофсиз—иёмонсиз, бошини егай.  
Инсофсизнинг жойи эрур жаҳаннам,  
Инсофли халқининг фамини егай.

\* \* \*

Сабр-тоқат қилган етар муродга,  
Садоқатли бўлса, қолар раҳматга.  
Басаломат бўлиб, иллоҳ, иймени,  
Охират йўли ҳам бўлар жаинатга.

\* \* \*

Қибрли қўзғатар фитна, адоват,  
Қайсар таъбига мос ишлар—касофат.  
Ранжитиб мусулмон аҳлин беиймон,  
Ўз бошин еб кетар охир оқибат.

\* \* \*

Ҳидоят йўлига юргин, эй инсон,  
Ўзингдан кетмайин, келтириб иймон.  
Рӯзи қиёматда сарҳисоб қилиб,  
Номаъи амолинг қилурлар аён.

\* \* \*

Евуз борки, худо асло хуш күрмас,  
Хавасли иши йўқ, худодан қўрқмас.  
Нафратлар—бадкирдор, Худо барнини,  
Вақт келиб қаҳри-ла даф қилмай қўймас.

\* \* \*

Ҳақ йўлдан оғишмай, мўмин-мусулмон,  
Сенга вожиб эрур келтириш иймон.  
Ҳақдан топсанг, равон бўлгай ҳожатинг,  
Оллоҳ ҳидоятин топарсан, инсон.

\* \* \*

Башар унутмас экан диёнатин,  
Оллоҳ берар абадий иноятин.  
Адлу инсоф ила иш тутса агар,  
Сблихлик пла қиласар ҳимоятин.

\* \* \*

Оллоҳ берса сенга тоқат навосин.  
Дилга жо қиласан ибрат ҳавосин.  
Фазлингдан ўзингга наф тегиб бешак,  
Топарсан ҳам самар қучиш ғоясин.

\* \* \*

Иймоннинг сустлиги тушмасин бошга,  
Насиб қилсин иймон қарию ёшга.  
Бандаси кўрмасин зиёну заҳмат,  
Ҳурлик корхонасин келтирсан қошга.

\* \* \*

Оллоҳ ҳикматидан кимки бохабар.  
Мискинларга жабр қилмас, алҳазар.

Синов килиб олар ибрат сабогин,  
Хәёт гавҳарин ҳам терар сарбасар.

\* \* \*

Мусулмон эсанг гар комил инсон бүл,  
Кибру ҳаво қилма, динга посбон бүл.  
Инъом бўлур сенга жаннат-фароғат,  
Оллоҳ ҳимматидан рози-чандон бүл.

\* \* \*

Ҳаромдан гар парҳез қилса мусулмон,  
Оллоҳ ҳидоятини топар begumon.  
Баҳраманд бўп оят—мўъжизалардан,  
Панд-насиҳат олар келтириб иймон.

\* \* \*

Бегона бўлмасин одам одобдан,  
Ибрат намуна олсин ахлоқдан.  
Осуда яшасин умрин қадрлаб,  
Жудо бўлмай Оллоҳ берган даргоҳдан.

\* \* \*

Ният билан Қуръон берди бандага,  
Ҳақу ботил ажрим бўлди одамга.  
Панд-насиҳат берар холис оятлар,  
Мардумларни содиқ қилиб Исломга.

\* \* \*

Қуръон—таълим, илм, ҳикмат манбаи,  
Маънавий, маърифий, машру манбаи.  
Холи бўлур мўмин бутпарастликдан,  
Олий ҳакам илҳом, ижод манбаи.

\* \* \*

Мұҳаммад пайғамбар соҳиби адл,  
Танбек олган ундан коғири ботил.  
Зоҳирин иймонга далолат қилган,  
Ул Оллоҳ маҳсулин беришда омил.

\* \* \*

Солиҳ одам ҳазар қилар фосиқдан,  
Инчунин бузуклик чиқар фосиқдан.  
Оллоҳ маҳрум этган завқу орзудан,  
Нажот топмас солиҳ одам фосиқдан.

\* \* \*

Ақл әгаси—одам, баҳш этган идрок,  
Шу сабаб мадҳ этар ақлни күпроқ.  
Ақл раҳнамо-ку одамга доим,  
Ҳикмат кўп ақлда, эъзозла ҳар чоқ!

\* \* \*

Шон ахтарсанг агар безаҳмат яшаб,  
Сенга насиб этмас асло шон-шараф.  
Қасос олгай Оллоҳ бешафқат бўлиб,  
Кетганда қилмишинг танбалга ўхшаб.

\* \* \*

Иймонни куфрга алмашган одам,  
Зинҳор мусулмонга бўлолмас ҳамдам.  
Ул зотга тангрининг азоби зўрдир,  
Иймонсиз хор бўлиб яшагай ҳар дам.

\* \* \*

Ичи қора, баҳил—жамиси бир гўр,  
Одам унга бир пул, озори ҳам зўр.

Куфр нафасида йўқ иймон даъвоси,  
Қилмишида шайтон ғавғосини кўр.

\* \* \*

Игнадек халқ мулкин писанд қилмасанг,  
Синигин назарга ҳатто илмасанг,  
Танангни наштардек тилган чорида,  
Эсинг еб қўйганинг англаб ётарсан.

\* \* \*

Инсон, мўминга ҳеч ноҳақлик қилма,  
Одоб сариштасин ҳечам унутма.  
Ожизни топтамоқ—иймонсиз пиши,  
Ор-номусингга терс ёмонлик қилма.

\* \* \*

Фозил учун ғурбат бўлмагай асло,  
Жоҳил учун тинчлик бўлмагай асло.  
Мусофири санаалмас соҳиби ориф,  
Жоҳил ўз юртига сиғмагай асло.

\* \* \*

Ҳаддан ошиб баҳил бўлмагин зинҳор,  
Ҳавоий нафсга қул бўлмагин зинҳор.  
Ғурур қопқонига илинмай десанг,  
Нопок хулққа бино қўймагин зинҳор.

\* \* \*

Қайга борманг ҳозир ҳар қадам бозор,  
Сотувчи серобу оздирип харидор.  
Гуноҳнинг бозори серобдан-сероб,  
Савоблар сотилмай чекмоқда озор.

\* \* \*

Одилман деган ким, чин сўзласин чин,  
Чин сўзлашдан тонса, тили кесилсин.  
Алдоқчи—ноодил, тарк эт тавбасин,  
Ҳатта янчгин бундай ҳаётнинг ёвин.

\* \* \*

Мана ҳалқим яшар қувноқ, хуррам, шод,  
Дала-тузларин ҳам сув босмас, обод.  
Озод деган бахтга бўлгач мұяссар,  
Кулбаси чароғон, дили чексиз шод.

\* \* \*

Халқим кўкрак кериб боқди жаҳонга,  
Шунқор сифат меҳнат қилди ватанга.  
Фақат яхшиликка боғлаб тақдирин,  
Инъом этди ноёб ҳурлик одамга.

\* \* \*

Эй мардум, таълим ол ёруғ дунёдан,  
Осойишта ўтай десанг дунёдан.  
Қарами кенг, бахтинг бўлур зиёда,  
Шону-шуҳрат топгин, ўтмай дунёдан.

\* \* \*

Мавжудодлар зиддир биров-бировга,  
Мутелик жой ҳам бор биров-бировга.  
Мисли олов-сувдек зид эсалар ҳам,  
Ер боғлар иккисин биров-бировга.

\* \* \*

Аёллар сиз насл давомчилари,  
Бир олам миллатнинг асосчилари.

Рұзғор фароғатии ҳазинасисиз,  
Оила, фарзаңднннг сизсиз чевари.

\* \* \*

Бугун суюк ҳалқим неъмат эгаси,  
Халқаро тизимда ҳурмат эгаси.  
Үтмишім, бўлишім топди қимматин,  
Ҳамжамиятда бўлди иззат эгаси.

\* \* \*

Дил нигоҳим топар ихлосмандини,  
Тафсир этар сўзсиз банди-бандини,  
Манзур бўлса агар камтарин мулким,  
Жон-жон деб олардим улар пандини.

## МУНДАРИЖА

### Достонлар

Жон-жон Ўзбеким	3
Гуарина	23
Ўзбекистон туманим	38
Тўртликлар	46

**Некон Ултамов**

**ДИЛ НИДОСИ**

**Шеърлар**

**Муҳаррир М. Аҳмедов**

**Мусаввир Ю. Н. Габзалилов**

**Техник муҳаррир У. Ким.**

**Мусаҳхих Ф. Ортиқова**

Босмахонага берилди 4.01.99. Босишга рухсат этилди 26.01.99  
Үлчами 84x108<sup>1/32</sup>. Шартли босма табоби 6,3 Нашр табоби 4,79  
Жами 3000 пусх. Буюртма 184. Шартнома 94—98 Баҳоси шартнома асосида.

**«Езуви» нашриёти, 700129, Тошкент, Навоий кӯчаси, 30-уй.**

Узбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг Тошкент  
китоб-журнал фабрикасида чоп этилди. Тошкент, Юнусобод да-  
ҳаси. Муродов кӯчаси, 1-уй.

Ұз2  
У—67

**Ұктаев И.**  
Дил үйдөсү: Дастанлар ва түртликлар. — Т.:  
«Езувчи», 1999. — 120 б.

Ұз2